

ISSN 2181-9521

№ 1-son, 2020



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ СЕНАТИ ВА ҚОНУНЧИ ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНГИ



*“Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар кун исланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз”.*



*“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.*



*“Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”.*



*“Аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.*

*Яна бир бор айтмоқчиман – дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин”.*

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 2020 ЙИЛ 24 ЯНВАРДА ЛИК ПАЛАТАСИГА МУРОЖААТНОМА ЙЎЛЛАДИ ЎН ЙИЛЛИККА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА



*“Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман”.*



*“Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўнданг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди”.*



*“Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин. Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак”.*



*Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг кадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”.*

*Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим”.*

**«ODILLIK MEZONI»  
илмий-амалий,  
ҳуқуқий журнал**

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

**Кенгаш раиси**

Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДОРОВ  
Акмал МУРОДОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Маъруф ТАЖИБОЕВ  
Шерзод ЮЛДАШЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Жамила ЭШОНҚУЛОВА

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори  
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
27 августда 0972-рақам билан  
кайта рўйхатдан ўтган.  
**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материал-  
лардан фойдаланилганда, манба қайд  
этилиши керак.

Босишга 13.02.2020 да рухсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12  
Адади 2850  
Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида  
чоп этилди.

Босмахона манзили: 100027, Тошкент  
шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
Олмазор кўчаси, 1-уй

# МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6-бет

**Мурожаатнома – янги  
Ўзбекистон  
таракқиётида стратегик  
аҳамиятга эга ҳужжат**



Мутахассис мулоҳазаси

16-бет




**Хал қилув қарори  
ким учун ёзилади?**

Тадқиқот, таҳлил

19-бет

**Аёллар ҳуқуқларининг  
халқаро-ҳуқуқий  
нормалари**



Ибрат

23-бет



**Оппоқ қоғоз ва  
қора доғ**

Эксперт фикри


24-бет

**Ҳуқуқий онг  
ва ҳуқуқий  
маданият**



Давр кўзгуси

28-бет



**Виртуал қабулхона:  
миллий ва  
ноанъанавий ёндашув**

**Талқин** **30-бет**



**Илмий тадқиқот  
натижалари ва  
фан ютуқларини  
тижоратлаштириш:  
тахлил ва қиёс**

**Жараён** **34-бет**

**Суд-ҳуқуқ ислохотлари:  
иқтисодий судлар  
мисолида**



**Интервью** **38-бет**



**Меморандум –  
фаолиятимиз  
самарадорлиги асоси**

**Мушоҳада** **41-бет**



**Энг тўғри савол**

**Чаён**



**Менинг фикрим** **42-бет**



**Ер участкасини давлат  
ва жамоат эҳтиёжлари  
учун олишни ҳуқуқий  
тартибга солиш:  
муаммо ва таклифлар**

**Мозийдан садо** **44-бет**



**Биз билган ва билмаган қозилар**

**Дунё даричаси** **46-бет**



**Фуқаролик ва  
жиноий ишлар  
бўйича халқаро  
хамкорлик**

**Муҳим мавзу** **48-бет**



**Мажбурий  
меҳнатга  
йўл бермайлик**

**Қонун ва амалиёт** **50-бет**



**Тергов харакати ва  
унинг бошқа тергов  
харакатларидаги  
ўрни**

**Важная тема** **54-бет**



**Особенности  
профессиональной  
этики судьи**

**About foreign courts** **57-бет**



**Judicial  
independence  
in the United States**

**Bankruptcy** **60-бет**



**Prevention of  
bankruptcy  
of legal entities**

# МУРОЖААТНОМА – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТ

*Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади этиб белгиланган ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, замонавий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишда Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига тақдим этган навбатдаги мурожаат ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мурожаатда жамият ва давлатни ривожлантириш билан боғлиқ ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий нуқтаи назардан бир қатор аниқ таклифлар илгари сурилди ва муҳим вазифалар белгиланди. Давлатимиз раҳбари “ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга, – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ” лигини алоҳида таъкидлаб ўтди.*

*Дарҳақиқат, биринчи муҳим омил бўлган қонун устуворлигини таъминлаш суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судьяларнинг адолатли қарорлар чиқариши, бир сўз билан айтганда одил судловни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Мурожаатнома суд тизими ходимларининг олдига ҳам улкан вазифалар қўйди.*

*Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ва келиб чиқадиган вазифалар ҳақида батафсил сўз юритилади.*



**Убайдулла МИНГБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши раиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

## ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ БИЛАН СУҒОРИЛГАН

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг бу йилги Мурожаатномаси нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки, дунёдаги жуда кўплаб нуфузли экспертларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган ривожланган демократик мамлакатлар, давлат ва жамоат арбобларининг Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида илгари сурилган том маънодаги ИНСОНПАРВАР ғояларга бўлган юқори баҳолари шу юртнинг фарзанди сифатида мени ҳам тўлқинлантириб юборди.

Гувоҳи бўлдикки, Мурожаатнома 50 дан ортиқ давлат ва нодавлат телерадиоканалларда тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Кўплаб ижтимоий тармоқларнинг расмий веб-саҳифалари орқали батафсил ёритилди ва бир қанча хорижий мамлакатларга онлайн тарзда жонли трансляция қилинди.

Дарҳақиқат, Мурожаатноманинг бутун руҳи инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги тарихда илк марта аҳоли ўртасидаги камбағалликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаш ҳақида вазифалар қўйилганлигида ҳам кўриниб турибди. Президентимиз бу борада батафсил тўхталиб, қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. “Камбағалликни камайтириш, бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа

халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”.

Мен ҳуқуқшунос сифатида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Конституциямизнинг 7-моддасида қайд этилган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб” фаолият юритиши тўғрисидаги конституциявий меъёрлар ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ушбу Мурожаатномаларида яна бир бор қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Хусусан, суд мустақиллигини амалда тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши, бунинг учун дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкинлигини айтиб ўтдилар.

Айниқса, сўнгги йилларда суд амалиётига кенг жорий этилган оқлов ҳукмлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. Мурожаатномада қайд этилганидек, биргина 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган, 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги умумэтироф этилган принцип ва нормаларга тўла мос келади.

Ўтган қисқа даврда суд тизимини ислоҳ қилиш доирасида юксак инсоний фазилатларга эга, касб нуқтаи назаридан профессионал судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни, энг муҳими ҳолисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига энг муносиб номзодларни танлаб олиш учун ҳам шаклан, ҳам моҳиятан янги тартибда 3 босқичдан иборат синов имтиҳонлари жорий этилди. Бу имтиҳонларда судьяликка талабгорларнинг билими, дунёқараши, маънавияти қай даражада эканлигини синовдан ўтказиш тартиби амалиётга татбиқ этилди.

Шу ўринда мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта Судьялар олий кенгаши ҳузурида ташкил этилган Судьялар олий

мактаби фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг қарори билан ташкил этилган Судьялар олий мактабининг бир йиллик магистратура босқичида 60 нафар тингловчи таълим олмақда. Олий мактабда айни пайтгача 300 дан ортиқ судья ва суд аппарати ходимлари икки ойлик ва икки ҳафталик ўқув курсларида малака оширдилар. Судьялар олий мактабининг ўқув дастурларига, дарс жадвалларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулоти киритилган. Ушбу илмий таълим муассасасида бугунги давр судьяси ва суд тизими ходимлари учун энг муҳим бўлган билим ва кўникмалар беришга алоҳида аҳамият қаратилган ва барча шароитлар яратилган.

Судьялар олий кенгашининг ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг асосий мақсади адолатли қарорлар чиқаришга қодир, одил судловни таъминлашга лаёқатли, оқлов ҳукмлари чиқаришда қатъиятли судьялар корпусини шакллантиришдан иборат. Эндиликда судьяларни тайинлаш тартиби БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мослаштирилган. Буларнинг барчаси юртимизда суд жараёни очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги Мурожаатнома қонун устуворлиги таъминланган, замонавий, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат – янги ЎЗБЕКИСТОНни янада ривожлантириш учун барча соҳа ва тармоқларга стратегик аҳамиятга эга бўлган истиқболли лойиҳаларни татбиқ этиш, ватандошларимиз турмуш даражасини яхшилашда муҳим дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилади.



## «ХАР БИР ИНСОН ЎЗБЕКИСТОНДА АДОЛАТ ХУКМ СУРАЁТГАНИГА ТЎЛА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ КЕРАК»



**Акмал САИДОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
Спикерининг биринчи ўринбосари*

– Дунё миқёсида олиб қаралганда, давлат бошлиғи томонидан парламентга Мурожаатнома тақдим этилиши тарихи олис XIII асрга бориб тақалади. Шу тариқа 800 йилдан ортиқ тарихга эга ушбу анъанага Буюк Британия Қироли (Қироличаси)нинг парламент ҳузурида шоҳона нутқ сўзлаши – “King’s/Queen’s speech” тантанаси илк намуна вазифасини ўтаган. Шундан бери Буюк Британия парламентининг ҳар галги янги сессияси Қирол ёки Қироличанинг ана шундай “шоҳона нутқи” билан бошланиши одатга айланган.

Америка Қўшма Штатларида ҳам Президентнинг Конгресс ҳузурида ҳар йили Мурожаатнома билан чиқиш анъанаси мавжуд. Бу анъанага 1790 йили, яъни бундан 217 йил илгари АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон Нью-Йоркда, ўзининг парламент минбаридан сўзлаган батафсил нутқи билан асос солган.

Россия Федерацияси Президенти ҳам ҳар йили Федерал Мажлис ҳузурида Мурожаатнома билан чиқиш қилади. Бу ҳақда сўз борганда, собиқ Совет иттифоқи сиёсий ҳаётида, СССР Президенти лавозими таъсис этилгунига қадар, парламентга Мурожаатнома тақдим этиш амалиёти умуман мавжуд бўлмаганлигини қайд этиш лозим. Россияда давлат бошлиғининг қонун чиқарувчи олий органга Мурожаатнома билан чиқишига доир норма илк бор 1991 йил 24 апрелда қабул қилинган “РСФСР Президенти тўғрисида”ги қонунда (5-модданинг 3-банди) ўз аксини топган бўлса-да, 1993 йили амалдаги Россия Конституцияси кучга кирганидан кейин мазкур амалиёт ҳар йил-

ги анъана тусини олди. Россия Президенти Б.Ельцин Федерал Мажлисга биринчи Мурожаатномасини 1994 йил 24 февралда тақдим этган. Ҳозирги вақтда давлат бошлиғининг парламентга Мурожаатнома тақдим этиш институти бир пайтлар собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ва бугун мустақил тараққиёт йўлидан бораётган бир қатор мамлакатларда амал қилмоқда. Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон шулар сирасига киради. Ушбу давлатлар сафига энди Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Дунё тажрибаси билан қиёслаганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатнома тақдим этиши тимсолидаги мазкур сиёсий-ҳуқуқий тадбир бу борадаги энг илгор хорижий амалиётга мутаносиб тарзда намуна бўладиган яхши анъанага айланди, дейишимизга асос бор.

Мурожаатномада Президентимизнинг мамлакатимизни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтаи назари баён қилинди. 2019 йил сентябрда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян юртимизга расмий ташриф буюрди ва қуйидаги дастлабки тавсияларини билдиради:

*судьяларни сайлаш ва тайинлаш;  
судьяларнинг лавозимида ишлаб қолишини кафолатлаш;*

*судьяларни профессионал асосда тайёрлаш;*

*суд раисларини тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари кўламини қайта кўриб чиқиш;*

*судьяларга интизомий чора кўриш тартиб-таомилларини мукаммаллаштириш;*

*Олий суд кенгаши аъзоларини сайлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш;*

*прокуратура тизими ваколатларини қисқартириш;*

*адвокатлар сонини ошириш ва ёш ҳуқуқшуносларни ушбу касбга қизиқтириш учун тарғибот ишларини кучайтириш истиқболлари билан боғлиқ.*

Суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-



лари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг кўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди, деди давлатимиз раҳбари. Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим.

Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушгандагина, прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин. Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш кўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак.

## «ОҚЛОВ ҲУКМЛАРИ ЧИҚАРИЛАЁТГАНИ СУДЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ, СУДЬЯЛАРНИНГ ҚАТЪИЯТИ НАТИЖАСИДИР»



**Козимжон КОМИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Оқлов ҳукмлари чиқарилаётгани судларнинг мустақиллиги, судьяларнинг қатъияти натижасидир”, — деган фикр алоҳида қайд этиб ўтилган.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг бугун судьялар ҳақида айтган илиқ фикрлари судьялар учун юксак ишонч, десам хато бўлмайди. Ушбу билдирилган фикрлари бутун халқимизнинг нуқтаи назаридир. Бизнинг барча ҳаракатларимиз, интилишларимиз адолат барқарорлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз халқ ишончини қозониш, шу жиҳатдан бугун маълум маънода мақсадимизга эришаётганимиз аён бўлгани ҳолда зиммамизга яна бир қарра катта масъулият юклади.

Президентимиз томонидан суд тизими ходимлари билан 2017 йил 13 июнда ўтказилган учрашувда, адолатни таъминлаш вазифаси зиммамизга қатъий қилиб қўйилди. Тўғриси, айнан ўша вақтда адолат жар ёқасига келиб қолганди. Бу жараёнда энг қийини ходимларнинг, айниқса, судьяларнинг дунёқарашини ўзгартириш бўлди. Доимий талаб, доимий қабул қилинаётган қарорлар таҳлили, таъбир жоиз бўлса, тафтиши, зарур бўлганда бирма-бир мулоқот қилиш натижасида судьяларнинг аксарияти ўзгарди. Адолатли қарорлар чиқариш салмоғи ошди.

Судьялар билан ҳар сафар мулоқот қилганимда, жойларга бориб учраш-

ганимда доим уларга “ҳеч қачон тўғри қарор қабул қилишдан кўрқманг, орқангизда халқ, давлат, Президент турибди”, деган фикрларни айтганман. Зеро, сир эмас, судьяларга турли хил таъсир, тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилган ва қилаётган кучлар йўқ эмас...

Кейинги уч йилда 2 минг нафарга яқин фуқарога оқлов ҳукми чиқарилгани, давлатимиз раҳбари ҳақли равишда эътироф этганидек, судьяларнинг жасоратидир. Ҳолбуки, ундан олдинги йилларда оқлов тушунчаси муомаладан деярли чиқиб кетгандек эди.

Бир неча йил олдин судьялар томонидан айблов ҳукми ўқиб келинганини инobatга олсак, ўзгаришлар моҳиятини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу минглаб одамлар ва уларнинг оилалари адолатдан баҳраманд бўлаётганликларини англамайдимми?

Энди биз фақат мана шундай адолат йўлидан борамиз. 2020 йилда ўйлайманки, суд ана шу эзгу ишларини янада чуқурлаштирадиган ва тўлиқ мустақилликка эришади. Бу биз учун катта бир синов ва имконият деб ўйлаймиз.

Яна шуни айтиб ўтишим керакки, судлар тўлиқ мустақил бўлиши учун ҳар бир судья қалбан мустақил бўлиши керак. У кўрқмаслиги, фақат қонунга бўйсунуши шарт. Қабул қилаётган қарори, ҳукмини одамларнинг кўзига тик қараб асослаб бера олиши керак.



## БУЮК АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ: МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ЭКОЛОГИК МАЪНАВИЯТ



**Борий АЛИХОНОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси  
Спикерининг ўринбосари*

Миллий маънавиятимизнинг серқирра ва теран илдишларига таянган ҳолда, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқишда экологик мафкура, таълим-тарбия тизимини яратиш алоҳида ўрин тутиши лозим. Бу борадаги саъй-ҳаракатларга фаолият кўламани тобора кенгайтириб бораётган Ўзбекистон Экологик партияси ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Чунки, Ўзбекистон Экологик партиясининг мақсад ва вазифалари халқимизнинг асрлар оша синовда тобланган эзгу қадриятлари билан ҳамоҳангдир.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай соҳанинг ривожини унинг нақадар илмий асослангани билан характерланади. Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш соҳасида ҳам мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Боз устига, экология соҳасида ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Умуман, мозийга назар ташласак, узок ўтмишдан муқаддас заминимизда яшган улуғ аجدодларимиз бундан кўп асрлар илгари ҳозирги замонавий илм-фанга пойдевор қўйиб, уни ривожлантиришга бекиёс ҳисса кўшган. Хусусан, улар математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик соҳаларидаги қомусий ишлари, ихтиролари билан жаҳон цивилизацияси равнақида ўчмас из қолдирганлар. Бунинг бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингани айни ҳақиқатдир.

Инчунун, ғарбда “Нур Шарқдан таралади” деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас, албатта. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимиздан қолган илмий-маънавий мерос Шарқ уйғониш даврининг дурдоналари мақомида дунё аҳли томонидан ҳақли равишда тан олинган. Айниқса, Марказий Осиё ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақалардаги Ренессанс жараёнига ижобий таъсир кўрсатгани жаҳон илм-фанида ўз тасдиғини топган.

Табиат ҳодисаларига оид такомиллашиб, тадрижий ривожланиб борган тушунча ва таълимотлар, инсоннинг табиат билан боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар илк маротаба “Авесто” ҳамда Шарқ Ренессанси даврида ижод қилган мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган. Ўз навбатида, Амир Темур, Алишер Навоий сингари давлат арбоблари томонидан ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш, суғориш тизимларини ривожлантириш каби эзгу ишлар доимо кўллаб-қувватлаб келинган. Ана шундай улуғ мутафаккирлар қаторида буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз асарларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Эндиликда Ўзбекистон Экологик партияси Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси асосида ўз сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифалардан, фуқаролар мурожаатларидан, сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда мулоқотларда билдирилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, қолаверса, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан тўғри фойдаланиш соҳасидаги илғор инновацион ғояларни кўллаб-қувватлаш мақсадида партия қошида илмий тадқиқот институтини ташкил этишни мақсад қилиб қўйган. Мазкур институтнинг ташкил этилиши, экология соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, соҳага илғор экологик тоза инновацион технологияларни жалб этиш имконини беради.

Бу эзгу ишлар, ўз навбатида, “ақлли қишлоқ хўжалигини” ривожлантириш баробарида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришга энергия ва

ресурстежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали иқтисодий барқарорликка эришишга шароит яратади. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш орқали энергетик хавфсизликни таъминлаш, мамлакатимизда экологик

барқарорликка эришишда, энг муҳими, асрлар оша сайқалланиб борган халқимизнинг табиатга бўлган эҳтиромига, экологик маънавияти ва тафаккурига қайтадан руҳ бахш этиб, энг юксак даражага олиб чиқишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

## ЭРИШИЛГАН ҲАР ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА ИЛМ МУЖАССАМ



**Худоёр МАМАТОВ,**  
юридик фанлар доктори,  
профессор

Давлатимиз раҳбари бу Мурожаатномада илм, маърифатга алоҳида эътибор қаратганлигининг замирида жуда чуқур маъно бор.

Бугунги кунда юксак натижаларга эришган замонавий демократик мамлакатларнинг ривожланиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсангиз, ўша давлат илм, маърифатни ҳал қилувчи куч ва восита сифатида қараганлигининг гувоҳи бўласиз. Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция, Малайзия, Сингапур ва бошқа ўнлаб мамлакатларнинг ривожланиш тенденцияси бунга яққол мисол бўла олади.

Муҳтарам Президентимиз илм, маърифатни ривожлантиришда фақатгина ёшларни билимли, маърифатли қилиб тарбиялаш эмас, балки, бутун жамият аъзоларини илм ва маърифатга ошно қилиш лозимлигига алоҳида урғу қаратди ва куйидаги ғояларни илгари сурди.

“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.

“Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқлик,

жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”.

Бу фикрларни қайта-қайта ўқир эканман, албатта, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида узоқ йиллар самарали ишлаган ва тажриба орттирган буюк давлат арбобининг қалбидан чиққан бебаҳо фикрлар эканлигига амин бўлдим.

Зеро, қайси миллат, қайси халқ ўз озодлиги, эркинлигини қўлдан берган бўлса, бунга энг аввало илм-маърифатга, юксак маънавиятга эътиборсизлик сабаб бўлган. Инсонлар онгидаги бойликка ҳирс кўйиш, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ва миллатчилик кайфиятининг ўсиб бориши, давлат-жамият ва халқ тараққиёти, фаровонлигидан кўра шахсий манфаатларини устун қўйилиши ҳам пировард натижада таъназулга сабаб бўлган. Бундай кайфиятнинг шаклланиши эса, энг аввало, илмсизлик ва маърифатсизлик, маънавий бузуқликнинг натижаси.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг юқорида билдирилган фикрлари ривожланган ҳуқуқий-демократик давлат, маърифатли жамият барпо этиш мақсадини кўзлаган давлатимиз, фаровон турмуш барпо этиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш ниятини мақсад этган халқимиз учун нақадар юксак аҳамиятга эга.

Юртбошимиз Шарқ донишмандларининг ғояларига таяниб қайд этганларидек, “Энг катта бойлик, бу ақл-заковат ва илм. Энг катта мерос – яхши тарбия. Энг катта қашшоқлик, бу билимсизликдир!” Дарҳақиқат шундай, инсон тинимсиз ўқиш, изланиш амалий тажриба орттириши орқали ақл-заковати юксалиб боради. Буюк ишларга, ихтироларга илм ва ақл-заковат орқали эришади. Оилада яхши тарбия олган фарзанд, ўсиб улғаяр экан одоб-ахлоқи билан бошқаларга ўрнак бўлади. Пировард натижада тарбия берган ота-онасига раҳмат олиб келади. Тарбияли инсон жамият ва давлат тараққиётига хизмат қилади. Билимсизликнинг эса оқибатлари аянчли! Билимсиз кишининг нафақат ўзгаларга, балки ўзига ҳам фойдаси тегмайди. Бир ишни уддалай олмагач, жамиятнинг янгилиниш ва бунёд-

корлик ишларига соя солади, тўсиқ бўлади. Билимсизлик оқибатида эътиборсизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик каби иллатлар урчиди. Шу боис, айта оламизки, билимсизлик – ўта қашшоқликдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш ҳаммамиз учун узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Бугун Мурожаатнома кенг жамоатчиликда, видеоселектор йиғилишларида, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали қузатган халқимиз томонидан ҳам ниҳоятда кўтаринки руҳда маъқулланмоқда.

Турли касб эгалари, ўз соҳаларидан келиб чиқиб, Мурожаатномада қайд этилган устувор йўналишлар, вазифалар, таклиф ва тавсияларга ўзларининг муносабатларини билдирмоқдалар.

Дарҳақиқат, Мурожаатномада билдирилган ҳар бир фикрнинг салмоғи ниҳоятда юксак ва бебаҳо. Унда белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, фуқаролик жамияти институтларида фаолият олиб бораётган ҳар бир раҳбарнинг, ходимнинг асосий масъулияти, вазифаси ва бурчидир.

### ЭНГ КАТТА ҚАШШОҚЛИК — БИЛИМСИЗЛИҚДИР!



**Нурали ҚУРБОНОВ,**

*Судьялар олий мактабининг Касбий кўникмалар кафедраси мудири:*

Юқорида устозларимиз таъкидлаб ўтганидек, Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга боғлиқ эканлигини, шулардан биттаси сифатида “институционал салоҳиятни юксалтириш” эканлигини қайд этиб ўтдилар. Албатта бу бежиз эмас, сабаби айнан бугун тайёрланаётган кадрларнинг “институционал салоҳиятини юксалтириш” жамият ва давлат тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

“Институционал салоҳиятни юксалтириш” Судьялар олий мактаби жамоаси, хусусан профессор ўқитувчилари олдида алоҳида вазифа қўяди. Шундан келиб чиқиб, Судьялар олий мактабининг магистрлари, малакасини ошириш учун таҳсил олаётган тингловчилари ўқув дастурларига, дарс жараёнларига уларнинг институционал салоҳиятни юксалтиришга амалий таъсир кўрсатадиган машғулотларни киритишимиз лозим. Бундан ташқари, юксак пе-

дагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларни, катта тажрибага эга бўлган судьяларни жалб этган ҳолда дарс машғулотларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратишимиз керак. Бунда ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини оширишга катта эътибор қаратиш зарур.

Мурожаатномада илгари сурилган янги Ўзбекистоннинг истиқболлини белгилайдиган муҳим ғоялардан яна бири кенг жамоатчиликни, барча жамият аъзоларини илм ва маърифатли қилиб тарбиялаш лозимлиги бўлди. Бу борада муҳтарам Президентимиз, “Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва тўғри йўлдан адашиш бўлади. “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик эса бу билимсизликдир” дея таъкидладилар.

Президентимиз катта ниятлар билан 2020 йилни мамлакатимизда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб атадилар. Албатта, бундан кўзланган мақсад юртимизда илм-фан ва маърифатни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтаришдир.

Республикаимизда 348 та таянч мактаби белгиланиши, 6000 дан зиёд ўқитувчининг халқаро миқёсда малака ошириши таъминланиши айтиб ўтилди. Шунингдек, мамлакатимизда 340 та касб-ҳунар мактаблари,

200 дан ортиқ ихтисослашган умумтаълим мактаблари фаолияти йўлга қўйилиши тизими ривожлантиришга бевосита хизмат қилади.

Мурожаатномадаги яна бир муҳим жиҳатга эътиборларингизни қаратмоқчиман. Яъни кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида Миллий малака тизими ишлаб чиқиши ва ушбу тизим 9 мингга яқин

касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беришидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу тизим олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишга ижобий таъсир кўрсатади.

## СУДНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ АДОЛАТ ТАНТАНАСИДИР



### Раҳимқул ТОШБОЕВ,

*Жинойят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси*

Мурожаатномада суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарурлиги ва судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг ушбу фикрлари мени нафақат суд ҳокимиятининг вакили сифатида, балки шу жамиятнинг оддий аъзоси сифатида ҳам жуда қувонтирди. Сабаби, қайси жамиятда адолат оёқости бўлса, одамларда қонун устуворлигига ишончсизлик пайдо бўлса, адолат посбони бўлмиш судья қўрқоқ ва кимгадир тобе бўлса, бу жамият аста-секин таназулга учраб бораверади.

Суднинг фаолияти қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш судьялар зиммасига юклатилган ўта муҳим вазифа – одил судловни оғишмай амалга оширишда ифодаланади. Суд ҳокимиятининг, судьянинг мустақиллиги эса одил судловни амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Халқаро ҳужжатларда судья одил судловни амалга ошираётганда суд процес-

си барча иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай бевосита ёки билвосита ташқи таъсирлар, ниятлар, босим ёки аралашувлардан қатъи назар мустақил ҳаракат қилиши, фақат фактларни баҳолашдан келиб чиқиши ва ички ишончига асосланиб, қонунга ва ҳуқуқий онгига амал қилиши, ишлар бўйича қарорлар фақат “фактлар асосида ва қонунга мувофиқ, бирон-бир чекловларсиз чиқарилиши белгиланган”.

Шу мақсадда давлат органлари, жамоат институтлари ва жисмоний бошқа шахслар судьяларни мажбурлаш ёки уларни муайян қарорлар чиқаришга оғдириш йўлида босим кўрсатишдан тийилишлари керак. Олий Мажлисга Мурожаатномада суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозимлиги, иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлигини белгилаш юзасидан берилган таклиф судлар мустақиллигини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки, амалиётда у ёки бу сабабларга кўра прокуратура органлари томонидан айнан шу йўл орқали судьяга босим ўтказишга уринишлар учраши ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда бундай ҳолатларга барҳам берилиши судьяларимизнинг фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда, ташқи таъсирларсиз қарорлар чиқаришини таъминлайди.

Бундан ташқари, муҳтарам Президентимиз томонидан 2019 йил 7 декабрь куни Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш энг устувор вазифа эканлиги, айниқса, суд бирор-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслиги, шу сабабли, суд ишларига аралашганлик ёки судга босим ўтказганлик учун жавобгарликни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Шунингдек, ушбу маърузада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш борасида ўта муҳим таклиф – келгуси йилдан бошлаб суриштирув ва дастлабки тергов жараёни устидан суд назоратини ўрнатиш, яъни прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартибини жорий этиш лозимлиги билдирилди.

Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши келгусида жиноят ишини кўзгагиштириш босқичидан бошлаб терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни барвақт аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этиш, фуқароларни асоссиз айблаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний чеклашга йўл қўймасликни кафолатлайди.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШИШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ



**Абдуллажон  
МУХИДДИНОВ,**  
*Чилонзор туман  
Маъмурий суди раиси*

Мурожаатномада сўнгги йилларда мамлакатимизда кескин тус олган ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан коррупцияга қарши қатъий курашишга ҳам боғлиқ эканлигига алоҳида урғу берилди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”, — деган муҳим вазифани қўйдилар. Ушбу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этдилар. Ҳар бир давлат, ҳар қандай жамият қонунлар орқали бошқарилади ва тараққиётга эришади. Аслида қонунлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, қўрқитиш ёки таҳликада ушлаш учун эмас, балки уларга ёрдам бериш, ахлоқан тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун яратилишини барча фуқаролар ким бўлишидан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар қонунларни чуқур англаб етиши ва ҳурмат қилиши, уларга итоат этиши шартлигини тарғиб қилиб бориш лозим. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунни бузишдан қўрқади. Биз қонунларнинг матнини, яъни меъёрларини фақатгина ёдлабгина қолмасдан, уларнинг туб моҳиятини тушунишимиз ва энг асосийси, ҳар бир ҳолатда қонунни

қурол қилиб, уни тўғри қўллаш олишимиз даркор. Қадимги рим файласуфи Цицерон: “Эркин бўлишни хоҳласанг, қонуннинг қулига айлан”, — деб бежизга айтмаган.

Жамоатчилик, айниқса маҳалла аҳли, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, фуқаролар билан бўладиган очик мулоқотларда коррупция – порахўрлик иллатининг зарарли оқибатларини тушунтириб, тарғибот ишларини амалга оширишда тизимли дастурлар қабул қилиб, унда қонунларни ҳурмат қилиш, акс ҳолда жазо муқаррар эканлигини тушунтириш лозим.

Агар содир этилаётган жиноятларга чуқурроқ назар ташласак, жиноятга аксарият ҳолларда дунёқараши паст, маънавияти заиф, маданият ва маърифатдан узок, ақли бўлсада, фаросатда нўноқ, қорни тўқ бўлсада, кўзи оч шахслар қўл ураётганини кўрамиз, бу ҳаёт ҳақиқати. Маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупция таъсирига тушиб қолмайди. Юксак маънавиятли бўлишнинг калити – китобхонлик. Кимки, китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қулоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётий шиорига айланади. Асло адолатсизликка қўл урмайди.

Ўз манфаати деб, нафсини жиловлай олмаган нафсининг қулига айланиб қолган шахсларнинг ачинарли аҳволга тушиб, жамиятда шарманда бўлаётганлигини, уларнинг оила аъзолари, айниқса, шириндан-шакар фарзандлари кўни-қўшни ва маҳалла аҳли ўртасида қандай аҳволга тушаётганларини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомизнинг таъбири билан айтганда: “Инсон ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масалалардан бири, бу адолат, халқнинг миллий ҳаётига эътибор, давлатчилик сиёсати, халқ бошқарувининг барчаси адолат замирида бунёд этилади”.

## ЮКСАК ИШОНЧ – ҚАТЪИЙ МАСЪУЛИЯТ ИФОДАСИ



**Хусан  
ТУРСУНОВ,**  
*Қарши  
туманлараро  
иқтисодий  
суди судьяси*

Мурожаатнома кенг жамоатчиликда, қўйингки, барча соҳа вакиллари ва айниқса, биз судьяларда ўзига хос гурур, шижот, дахлдорлик, ташаббускорлик ва қатъий масъулият ҳиссини янада мустаҳкамлади десам, муболаға бўлмайди. Чунончи, Президентимизнинг Мурожаатномасида Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак, судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир, мен Президент сифатида судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман” деган илиқ эътирофлари ва ишончлари бизга катта руҳий мадад, куч ва гурур бағишлади. Албатта, бундай юксак баҳо ва натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Авваломбор, буни шахсан давлатимиз раҳбарининг бевосита саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан охириги уч йил давомида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ислохотларнинг меваси деб биламан.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун суд идоралари ўзининг мустақиллиги ва холислигини фақат қонунларда ёзилганидек эмас, балки амалда ўз фаолиятида кўрмоқда, судга мурожаат қилаётган тадбиркорлар ва фуқароларнинг ишончи ортиб бормоқда. Суд қарорларининг сифати ва барқарорлиги сезиларли даражада ошмоқда, суд муҳокамаларида ошкоралик ва шаффофлик таъминланмоқда, иқтисодий низоларни кўриб чиқишда тадбиркорлик фаолияти устуворлиги таъминланмоқда, энг муҳими, бугун суд тизимида дунёқараши кенг, замонавий чуқур билим ва тажрибага эга, юксак маънавиятли, адолат йўлида содиқ турадиган янги авлод судьялар корпуси шаклланмоқда.

Президентимизнинг биз судьяларга билдирган бундай юксак ишончи ва эътирофи қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат йўлида катта масъулият ва қатъият билан тинимсиз меҳнат қилишни талаб этади. Энг аввало, биз собитқадамлик билан мурасасиз бўлишимиз, судьялик қасамёдига ҳар дақиқа ва ҳар қадамда содиқ қолишимиз, “ҳалоллик вакцинаси”ни ич-ичимизга сингдиришимиз ҳамда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда бор куч-ғайратимизни халқимизнинг суд идораларидан рози бўлиб чиқиб кетишига эришишга сарфлашимизда биринчилар қаторида ташаббускор бўлишимиз лозим бўлади.

**Давра суҳбатини  
Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**





**Илхом НАСРИЕВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
кафедра мудири,  
профессор

## ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ КИМ УЧУН ЁЗИЛАДИ?



**Маъруфжон  
ТАЖИБОЕВ,**  
доцент  
вазифасини  
бажарувчи

**Маълумки, суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳужжати ҳисобланади. Бу ўз навбатида судларга ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва эътибор билан ёндашиш лозимлиги мажбуриятини юклайди. Амалдаги қонун ҳужжатлари ҳар бир иш бўйича ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши лозимлигини тақозо этади.**

Бугунги кунда айрим судлар томонидан қабул қилинган баъзи ҳал қилув қарорлари уларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги билан боғлиқ талабларга жавоб бермайди. Айрим ҳал қилув қарорларида иш ҳолатлари тўлиқ ифода этилмайди, далиллар таҳлил қилинмайди, уларга баҳо бериш ва аниқланган ҳолатларни ҳуқуқий мушоҳада қилиш билан боғлиқ муҳим вазифалар амалга оширилмайди, низо бўйича суднинг хулосалари ҳар доим ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайди. Моддий ҳуқуқ меъёрларини ноўрин татбиқ қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон давом этмоқда. Қатор суд қарорларида иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатлар кўрсатилмайди ва ишнинг ҳолатидан келиб чиқадиган суднинг хулосалари мавжуд бўлмайди, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвони рад этганлик, айниқса, уни қисман рад этганлик асослари ҳар доим ҳам келтирилмайди, ҳал қилув қарорларининг хулоса қисми тушунарсиз баён этилганлиги сабабли уларни ижро этишда қийинчиликлар келиб чиқади.

Юқоридаги камчиликларга йўл қўймаслик, қолаверса, Фуқаролик процессуал кодексининг бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида қабул қилинадиган ҳал қилув қарорлари тўлиқ равишда унинг талабларига жавоб бериши, қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш лозим.

Ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ва шу ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда чиқарилгандагина қонуний бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ҳал қилув қарориди иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар

келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли деб ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қарориди исботлаш воситаларига кўра асослантирилади. Ҳал қилув қарори далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар эътиборга олинган ҳолда асослантирилиши лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суднинг ҳал қилув қарори: кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорини ёзишда судлар қонун билан белгиланган кетма-кетликка риоя қилишлари зарур. Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарорининг чиқарилган вақти ва жойи, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек, низо предмети кўрсатилса, баён қисмида даъво талабларини, жавобгар эътирозларининг қисқача мазмуни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари акс эттирилади, агарда даъво ўзгартирилса, ушбу ҳолат тўғрисидаги маълумот ҳам айнан шу ерда кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида эса суд иш бўйича чиқарган хулосасининг фактик ва ҳуқуқий асослари баён этилади. Чунончи, ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, шунингдек, низоли муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ меъёрлари шу қисмда кўрсатилади.



Хал қилув қарорининг хулоса қисмида та- рафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва юридик шахснинг номи тўлиқ келтирилиши, даъ- во талабларининг қаноатлантирилганлиги (тўлиқ ёки қисман) ёки бутунлай ёхуд қисман рад этиш ҳақидаги суднинг хулосаси аниқ акс эттирилган бўлиши лозим. Шунингдек, суд харажатларининг тақсимланиши, хал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши шарт. Хал қилув қарорининг хулоса қисми қарорни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар ва низо- лар вужудга келмаслиги учун тушунарли ва аниқ тарзда ифода этилиши керак.

Бундан ташқари, бир нарсани тан олиш ке- ракки, суд амалиётига эътибор берилса, фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд хал қилув қарорларининг хулоса қисмида хал қилув қарори кучга киргандан сўнг ижро варақалари берилиши тўғрисида аксарият ҳолларда ёзил- маётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳатто, суд қарорлари мазмунига бағишланган қўллан- маларда ҳам намуна сифатида кўрсатилган суд хал қилув қарорлари хулоса қисмида ижро ва- рақалари берилиши назарда тутилмаган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси талаблари суд томонидан чиқариладиган хал қилув қарорлари бўйича ижро варақаси берилишини тақозо этар экан, бу ҳақда хал қилув қароридида албатта ёзиш ке- рак бўлади. Хал қилув қарорларининг хулоса қисмида хал қилув қарори кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилиши тўғрисида ёзил- маганлиги аслида ижро варақаси берилишига ҳеч қандай монелик қилмайди, аммо бу ҳолат қатор тушунмовчилик ёки оврагарчиликлар- ни келтириб чиқариши мумкин. Аксарият ҳол- ларда келтириб чиқаряпти ҳам.

Биринчидан, фойдасига хал қилув қарори чиқарилган шахс ҳам, худди шунингдек зара- рига хал қилув қарори чиқарилган шахс ҳам ижро варақаси қачон берилиши тўғрисидаги маълумотдан айнан суд ҳужжати орқали воқиф бўлиши керак. Иккинчидан, бу ҳолат судьянинг ўзи ёки унинг ёрдамчиси учун ҳам муҳим бў- либ, улар ижро варақаси берилиши муддати билан боғлиқ масалани ўзларининг назоратида олиб туришига имконият яратади. Учинчидан, манфаатдор шахс томонидан хал қилув қарори кучга киргандан сўнг судга яна бир маротаба ижро варақаси берилишини сўраб мурожаат этилишининг олди олинади. Энг асосийси, бу одамларнинг судга бўлган ишончини оширади, суд қарорининг мукамаллигига эришилади, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юк- салтиради. Фақат хал қилув қарорининг хулоса қисмига "мазкур қарор қонуний кучга кирган- дан сўнг ижро варақаси берилсин", деб ёзиб қўйилса, кифоя.



Мақоланинг сарлавҳасини ўқиган одамда ҳақиқатан қарор ким учун ёзилар экан, деган фикр пайдо бўлади. Ёки масалани шундай қўй- илиши қанчалик тўғри, деган савол пайдо бў- лиши эҳтимоли ҳам бор.

Гап шундаки, бирор-бир қонун ҳужжатида бу саволга аслида жавоб берилмаган. Назаримизда, қонун ҳужжатларида бу ҳақда ёзиш шарт ҳам эмасдир. Унда нега бу масала тўғри- сида фикр юритиш керак.

Умуман олганда, бугунги кунда хал қилув қарорларини бекор қилиш, ўзгартириш ама- лиёти шуни кўрсатмоқдаки, бунинг асосий сабаби суд қарорлари асослантилмаганли- ги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилаётганлигидир.

Аслида бу мақоланинг ёзилишига яқинда Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судья- лар олий мактабига АҚШдан ташриф буюр- ган 40 йилдан ортиқ суд тизимида фаолият юритган собиқ судья Джозеф Дж. Трофikan- тининг "қарор судда ютқизган тараф учун ёзи- лиши керак", деган фикри туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Унинг фикрича, хал қилув қарорига нисба- тан келиб тушаётган шикоятларнинг кўпайиш сабабларидан энг асосийси ҳам хал қилув қарорини мағлубиятга учраган тараф учун "ёзилмаслиги"дир.

Ҳақиқатан, аксарият ҳолларда амалиётда суд хал қилув қарорлари ёзилишига аҳамият берадиган бўлсак, қарорларда судлар томони- дан низодаги даъво талаби қаноатлантирилган тарафнинг важлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат- лар асосида асослантирилади ва талаб нима учун қаноатлантирилганлиги кўрсатилади. Бироқ, мағлуб бўлган тарафнинг суд мажли- сида келтирган важлари етарли асослантирил- масдан, уларга узил-кесил баҳо берилмаган ҳолда хал қилув қарори қабул қилинади.

Бир нарсани тан олиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича суд муҳокамаларида иштирок- чи бўлиб қатнашган даъвогарларнинг 90 фоизи иш бўйича чиқарилган хал қилув қарорининг хулоса қисмини ўқийди, холос. Чунки у учун

хулоса муҳим. Талаб қаноатлантирилдими, йўқми, бўлди. Қаноатлантирилган бўлса, мақсадга эришилди. Даъвогар учун битта масала қолади, у ҳам бўлса, жавобгар қарор устидан шикоят келтирмаса, бошқа муаммо йўқ.

Энди жавобгарга келайлик. У ютқазди. Ютқазди сабабларини билиш учун ҳал қилув қарорини бошидан охиригача синчковлик билан қайта-қайта ўқийди. У нима учун эътирозлар рад этилганлигини ёки даъво қаноатлантирилганлигини синчковлик билан ўрганади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳал қилув қарори фақат ютган тарафнинг манфаатини ҳимоя қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида асослантирилганлигини кўрган жавобгар ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят беришга киришади. Шу сабабдан, суд қарори жавобгарни “тан олдириши” керак.

Агар суд хатоликка йўл қўйиб, маълум эътирозларни асосламаган, моддий, процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган бўлса ва оқибатда жавобгарнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги нималарда ифодаланганлигини далиллар билан исботламаган бўлса ёхуд гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ёки ашёвий далилларга асосланиб, ўз қарорини “жавобгар учун” ёзмаса, қарор устидан шикоят берилиши тайин.

2019 йил мобайнида республика фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 188.282 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шундан ҳал қилув қарорларига нисбатан 5400 тадан ортиқ апелляция, 6400 тадан ортиқ кассация ҳамда 1000 дан ортиқ назорат тартибда келиб тушган шикоятларнинг аксариятида суднинг ҳал қилув қарорини асослантирувчи қисмида кўрсатилган моддий ва процессуал қонун нормаларининг қўлланилишидан норози эканликлари кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суднинг ҳал қилув қарорлари биринчи инстанция

судлари томонидан қабул қилинса-да, лекин ҳал қилув қарорига нисбатан келтирилган шикоятлар асосида ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ўрганаётган апелляция ва кассация инстанцияларининг, шунингдек, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримларига ҳам юқоридаги фикрлар бирдай тааллуқлидир.

Таъкидлаш керакки, судлар “жавобгар учун” ёзилиши керак бўлган қарорларни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарорлари ҳақида”ги қарорида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этишлари ҳам лозим бўлади.

Суд тизимида кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган У.Қ.Мингбоевнинг фикрига кўра, судлар “иложи борича судьяларнинг ҳал қилув қарорларини кўп ёзишдан ўзларини чеклашлари керак”. Бу фикр амалий нуқтаи назардан ғоят аҳамиятлидир. Чунки, қарор узундан-узоқ ёзилса-ю, лекин асослантирилмаса, ундан фойда йўқ.

Фикримизча, бугунги кунда юридик адабиётларда “қонунчиликда айрим турдаги ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорларининг батафсил регламенти белгиланиши”ни ёқлаётган олимларнинг фикрларида ҳам маълум маънода “жон бор”.

Суд ҳал қилув қарорига қўйиладиган талаблар Россия, Қозоғистон ва Украина каби давлатларнинг процессуал кодексларида ҳам ўз аксини топганлигини, аммо айрим давлатларнинг процессуал қонун ҳужжатларида судлар томонидан ҳал қилув қарорларини қабул қилишда процессуал ҳужжатни 4 қисмдан эмас, балки 3 қисмдан: кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмдан, айрим давлатларда эса суд ҳал қилув қарорлари 2 қисмдан, яъни кириш ва хулосадан иборат бўлиши кузатилади.

Айрим хорижий давлатларда суд мажлиси зали юқори замонавий овоз ёзиш ва тасвирга олиш усканалари билан жиҳозланганлиги боис, судьянинг муайян иш бўйича хулосасини тарафларга эълон қилиш билан чекланиб, зарурат бўлганидагина, тарафларга суд муҳокамасининг ёзувидан аудио ёки видео тасвирдан ёзма кўчирма тақдим этилиши назарда тутилган.

Суд жараёнини аудио, видео тарзида суратга олиш тизимининг жорий этилиши ҳал қилув қарорларига қўйиладиган талаблар моҳиятини ўзгартирмайди.

Юқоридаги фикрларни инobatга олиб, судьялар ҳал қилув қарорларини ёзишда келтирилган фикрларни инobatга олсалар, низолашаётган тарафларнинг одил судловга бўлган ишончи янада ортишига сабаб бўлар эди.



# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИ



**Мафура ИНАГОВА**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси катта  
ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигидаги хотин-қизлар ҳуқуқларига оид принциплар, қоидалар ва бошқа ҳуқуқий нормалар, аввало, умумэтироф этилган халқаро мезонларга таянади.**

## АННОТАЦИЯ

Мақолада аёллар ҳуқуқига оид халқаро стандарт ва нормалар таҳлили ҳамда мазкур нормаларнинг амалга оширилишида ички ишлар органларининг асосий вази-фалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** аёллар ҳуқуқига оид халқаро стандартлар, миллий қонунчилик, ҳуқуқий нормалар, ички ишлар органларининг мақсад ва вази-фалари.

## АННОТАЦИЯ

В статье анализируются международные стандарты и нормы о правах женщин, а также основные функции правоохранительных органов в реализации этих норм.

**Ключевые слова:** международные стандарты по правам женщин, национальное законодательство, правовые нормы, функции правоохранительных органов.

## ANNOTATION

The article analyzes international standards and norms on women's rights, as well as the main functions of law enforcement agencies in the implementation of these norms.

**Keywords:** international standards on women's rights, national law, legal norms, police functions

Халқаро ҳамжамиятнинг муайян мамлакатга муносабати ҳам айнан халқаро даражадаги нормаларга амал қилиши, давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганлиги даражасига қараб шаклланади. Умуман, халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳимлиги шундаки, улар инсон, жумладан, аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш баробарида давлатнинг халқаро майдондаги нуфузга таъсир кўрсатади. Юқоридагиларга асосланиб шуни қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишларни самарали ташкил этишда мазкур соҳага оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланган нормаларнинг шаклланиши дунё миқёсида халқаро ҳамжамиятларнинг ташкил этилиши, уларнинг таъсири ва ролининг ортиб бориши билан бевосита боғлиқ.

Аёллар ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар шаклланишининг фундаментал асосини ҳам инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган нормалар, шартномалар, стандартлар ва андозалар ташкил этади. Зеро, БМТнинг Вена декларацияси (1993 й.) ва Ҳаракатлар дастурининг 18-бандида қайд этилганидек, «...аёллар ва қизларнинг ҳуқуқлари умумий инсон ҳуқуқларининг таркибий ва бўлинмас қисмидир»<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ХХ асрнинг иккинчи ярмида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий халқаро тизими яратилди. Бу, энг аввало, БМТнинг умумий ихтисослаштирилган муассасалари ва минтақавий ҳукуматлараро ташкилотлар саъй-ҳаракати билан амалга оширилди. Ҳозирги вақтда аёллар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ 80 дан ортиқ умумжаҳон ва минтақавий конвенцияларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжатлар қатнашчи давлатлар учун мажбурий норма ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бугунги кунга қадар шаклланган аёллар ҳуқуқларига оид халқаро стандарт ва нормалар таҳлилига оид ғоялар, фикрлар, қарашлар, олимларимизнинг турли ёндашувларини чуқур таҳлил қилган ҳолда

уларни куйидагича гуруҳлаштиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

**Биринчиси, умуминсоний халқаро ҳужжатлар ва унда аёллар ҳуқуқларига оид қоидалар:**

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.);
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.);
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.);
- Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 й.) ва улардаги аёллар ҳуқуқларига оид нормалар.

**Иккинчиси, бевосита аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида қабул қилинган куйидаги махсус халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

- Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1952 й.);
- Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация (1967 й.);
- Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 й.);
- Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация (1993 й.);
- Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси (1995 й.).

**Учинчиси, жамият ҳаётининг турли ва долзарб соҳаларидан келиб чиқиб қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ва уларда аёллар ҳуқуқларига оид қоидалар:**

- Оилали аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенция (1957 й.);
- Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949 й.);
- Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида кўшимча конвенция (1956 й.);

– Таълим соҳасида камситишларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1960 й.);

– Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида 156-конвенция: оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар (1981 й.);

– Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид конвенцияни тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол (2000 й.) ва ҳаказо.


Юқорида қайд этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро даражадаги стандартлари ҳисобланади ва улардаги муҳим нормаларни ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалиётда самарали татбиқ этиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун, аввало, мазкур халқаро ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур таҳлил этиш лозим.

Ҳозирги маърифий дунёда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқ ва эркинликларнинг умуминсоний стандартлари (андозалари), уларга риоя қилиниши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини ўрнатувчи халқаро битимлар тизими вужудга келди ва амал қилмоқда. XX асрга келиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг асосий ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан (1948 й.) қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир. Энг аҳамиятлиси, мазкур Декларациянинг муқаддимасидаёқ, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига алоҳида эътибор қаратилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатни 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган 1976 йил 3 январда кучга кирган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳам аёл ҳуқуқларини таъминловчи бош халқаро ҳужжатлардан биридир. Мазкур пактни Қозоғистон (2006 йил 24 январь), Қирғизистон (1994 йил 7 октябрь), Тожикистон (1999 йил 4 январь), Туркменистон (1997 йил 1 май) ва Ўзбекистон (1995 йил 28 сентябрь) Республикалари ратификация қилган.

Ушбу пактнинг куйидаги иккита моддасида аёллар ҳуқуқларига оид фундаментал нормаларни учратиш мумкин: биринчиси, «...эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқ бериш мажбуриятини оладилар» (3-модда); иккинчиси, «тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад олиш, айтилганда, жумладан, аёлларга эркакларникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши



ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак» (7-модда)<sup>4</sup>.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Унда инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ қўмитаси тузилиши ва ишлаши назарда тутилган.

Ушбу пактнинг учта моддасида аёллар масаласига оид махсус нормалар мавжуд. Хусусан, «...эркаклар ва аёллар учун ушбу пактда назарда тутилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади» (3-м.) «...ҳомилдор аёлларга нисбатан ижро этилмайди» (6-м.) ҳамда «Никоҳ ёшига тўлган эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ҳамда оила қуриш ҳуқуқи тан олинади» (23-м.) шаклида баён этилган<sup>5</sup>.

БМТнинг ярим асрдан ортиқ тарихи давомида аёллар ҳуқуқларига тааллуқли бир қатор халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, хусусан, «Аёлларни камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция» қабул қилингунга қадар БМТ доирасида «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция» (1952 йил 20 декабрь), «Никоҳдаги аёлнинг фуқаролиги тўғрисида конвенция» (1957 йил 29 январь), «Никоҳга розилик бериш, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд қилиш тўғрисида конвенция» (1962 йил 7 ноябрь), «Никоҳга розилик бериш, энг кам никоҳ ёши ва никоҳларни қайд қилиш тўғрисида тавсиялар» (1965 йил 1 ноябрь) қабул қилинди.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 7 ноябрдаги 2263 (XXII)-резолюцияси билан эълон қилинган «Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация»нинг 2-моддаси «а» бандида эркаклар ва аёлларнинг тенглиги тамойили акс эттирилганлигини алоҳида қайд этиш ўринли. Мазкур нормалар турли ҳуқуқий (меҳнат, фуқаролик, оила ва никоҳ, ижтимоий таъминот ва ҳ.к.) муносабатларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши билан бирга миллий қонунчилик шаклланишида устувор қоидалар сифатида фойдаланилди. Аммо том маънодаги аёллар ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар шаклланишини олимлар айнан БМТнинг «Хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси» (1979 й.) ҳамда «Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация» (1993 й.)нинг қабул қилиниши билан боғлайдилар<sup>6</sup>. Биз мазкур ёндашувларга қўшилмаймиз. Фикримизча, аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг халқаро ҳуқуқий нормалари Ин-



сон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган давр билан бошланади.

Умуман, аёллар ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар шаклланиши ва ривожланишида Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билл ва унинг асосий тамойиллари муҳим роль ўйнайди. Улар нафақат бошқа шаклдаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, балки ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги, ҳуқуқий тизими шаклланишида бош мезон бўлмоқда. Фикримизча, аёллар ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яратилиши ҳамда тизимли равишда такомиллашиб боришида қуйидагилар асосий омил бўлмоқда: биринчидан, дунёда аёллар ҳуқуқий ҳимоясига алоҳида эҳтиёжнинг мавжудлиги. Уларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқий мақомига етарли эътибор қаратилмаганлиги, камситилиши, табиатан ожизалиги натижасида уларга тенг ҳуқуқли субъект сифатида муносабат билдирилмаслиги, айрим одат ва «анъаналар» натижасида улар турли қийноқларга дучор этилиши ҳамда бу муаммоларни инсоният томонидан англаб етилиши; иккинчидан, хотин-қизларни инсон сифатида эркаклар билан тенглигини таъминлаш, жамият ҳаётидаги барча ҳуқуқий муносабатларда тўлақонли иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш; учинчидан, инсоният онгу тафаккури, маданий даражаси юксалиши, аёлларни улуғлашдек демократик қадриятни юзага келишига, эркаклар томонидан буни тўғри тушуниш, амалга ошириш даражаси тобора юксалиб бораётганлиги билан ифодаланади.

Шу ўринда юқорида таъкидлаб ўтилган халқаро норматив-ҳужжатлар ва уларнинг мамлакатимиз ички ишлар органлари ходимлари томонидан қандай амалга татбиқ этилаётганлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳа-



сидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2.09.2019 й.) шунингдек, «Хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» (2.09.2019 й.) ги қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар ички ишлар органларига алоҳида, муҳим вазифаларни юклайди. Жумладан, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган, ундан жабрланган шахсларга нисбатан «ҳимоя орде-ри» беришлари ва бу орқали уларни огоҳлан-тиришлари белгиланди. Бунда ҳимоя орде-рини олган ҳуқуқбузарлик содир этган шахс шелтерлик хизмати ёки бошқа тор доирадаги мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тузатиш дастуридан ўтиши аниқ белгилаб берилган.

Сўнги йилларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бориши натижасида ички ишлар тизимининг жамоатчилик билан ишлаш бўлимлари фаолиятини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар ходимининг кичик ножўя ҳаракати бутун тизимда олиб борилаётган ижобий ишлар аҳамиятини пасайтириши бир қатор вазиятларда кузатилди. Масалан, ички ишлар томонидан фоҳишалик билан шуғулланаётган аёллар ҳақида маълумот тарқатилиши (айрим ҳолатларда уларнинг фотосуратларини кўрсатган ҳолда) хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган нодавлат но-тижорат ташкилотлари томонидан «аёллар ҳуқуқини бузиш» сифатида талқин қилинади. Бундай ҳолатлар ички ишлар томонидан аёл ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳамда миллий қонунчилик нормаларини амалга оширишда жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш лозимлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари томонидан аёллар ҳуқуқларига оид халқаро нормаларни амалга оширишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир: биринчидан, ички ишлар органи ходимининг аёллар ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий қонунчиликдан хабардорлигини ошириш лозим. Бунинг учун, аввало, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган таълим муассасаларининг ўқув дастурларига аёллар ҳуқуқларига оид машғулотларни киритиш; иккинчидан, аёллар ҳуқуқларининг мазмун-моҳиятини ёритувчи турли ўқув қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрлаш, уларнинг ички ишлар органлари ходимларига, хусусан инспекторларга етказиш ишларини кучайтириш лозим. Учинчидан, ички ишлар органлари ходимларининг хотин-қизлар билан ишлаш методикасини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда аёллар билан ишлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган технологиялар, фаолият мезонлари аниқ белгиланиши зарур; тўртинчидан, ички ишлар органлари тизимида ходимлар учун ўтказиладиган муддатли шаҳодатлаш жараёнида ходимнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўник-масини аниқлайдиган саволлар тайёрланиши, улардан синов жараёнида фойдаланиш амалиётини шакллантириш зарур; бешинчидан, ривожланган мамлакатлар полиция тизими томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни тизимли ўрганиб бориш, қўлланилаётган энг сўнги ва самарали методларни таҳлил қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: БМТнинг расмий веб-сайти. <http://www.un.org/russian/document/convents.htm>
2. Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томли. 1-том // Масъул муҳаррир академик Ш.З.Ўразаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б. 91.
3. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси А/64, 39-42-бетлар. <http://www.un.org/russian/document/declarat/declr.htm>
4. Қаранг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари Бошқармасининг расмий сайти, <<http://www.ohchr.org/english/bodies/ratification/4.htm>>
5. Қаранг: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари Бошқармасининг расмий сайти – <<http://www.ohchr.org/english/bodies/ratification/4.htm>>
6. Қаранг: Елена Кондратьева – Брызик. Аёллар ҳуқуқлари // <http://www.ohchr.org/english/issues/women/rapporteur>; Қаранг: Асьянов Ш.М., Бакаева Ф.Х., Гасанов М.Ю., Исмоилов Б.И., Инакова М.М. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент. 2008. – Б. 15.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.02.2018 й., 06/18/5325/0653-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон.

# Оппоқ қозғоз ва қора доғ



Профессор дарсхонага кириб келиши биланоқ талабаларидан ажойиб бир тестга тайёргарлик кўришларини сўради. Талабалар биров ташвишга тушган ҳолда тест боиланишини кутишар эди. Муаллим ҳар доимгидек тест қозғозини орқа ўгириб тарқатиб чиқди. Талабалар тест саволларини ўқиш мақсадида қозғозни ўгиришди. Қозғоз ўртасида битта қора нуқтадан бошқа ҳеч қандай топшириқ йўқ эди. Бундан ажабланган талабалар бир-бирларига ҳайрон қараб қолишди.

Профессор талабаларнинг юзида ажабланишни кўриши билан уларга: “Мен қозғозда нимани кўраётган бўлсангиз, шу ҳақда ёзишингизни сўрайман”, – деди. Талабалар иккиланиш билан тушунарсиз шартни бажаришни бошладилар. Дарснинг охирига келиб, профессор барчадан қозғозларни йиғиб олиб, ҳар бир талабанинг ёзган жавобини улар олдида овоз чиқариб ўқий бошлади. Талабаларнинг барчаси фақатгина қора нуқта ҳақида, унинг қозғознинг ўртасида жойлашгани ҳақида ёзган, ўз фикрини баён қилган эдилар.

Жавоблар ўқиб бўлингач, орага сукунат чўмди ва биров ўтиб профессор талабаларга: “Мен бу жавобларга баҳо қўймоқчи эмасман. Сизларни мулоҳазага чорламоқчиман холос. Ҳеч ким ўз жавобида қозғознинг оқ қисми ҳақида ҳеч нарса ёзмаган. Барча диққат-эътиборни қора нуқтага қаратибди. Афсуски, худди шу ҳолат бизнинг ҳаётимизда ҳам мавжуд. Биз ҳар доим инсонларнинг ёмон одатларига эътибор берамиз, худди қозғоздаги қора нуқта каби. Аслида қозғознинг оқ жойи қора нуқтага қараганда анча кўп. Тириклик Худо тарафидан бир-биримизга ёрдам бериш, қайгуриш учун берилган совға. Ҳаётимиз хурсандчиликларга, яхшиликларга, яхши инсонларга тўладир. Тўғри, ўша қора нуқтага ҳам эътибор қаратишимиз, уни тўғрилашга ёрдам беришимиз керак. Лекин бу оқ жойларни унутмаган ҳолда бўлиши керак. Қора нуқта эса оқ жойларга нисбатан жуда ҳам кичкина, кўринмасдир”, – деди.

Ziyouz.uz сайтида берилган материаллар асосида тайёрланди.



**Хожимурод  
ОДИЛҚОРИЕВ,**  
юримдик фанлар доктори,  
профессор

# ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТ

**Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият жамиятнинг маънавий оламига тааллуқли воқеликлар бўлиб, муайян маънода унинг савиясини, маърифийлик даражасини, ҳуқуқий тафаккури ва қадриятлари силсиласини акс эттиради. Мамлакатимизнинг ҳозирги инновацион тараққиёт босқичида ҳуқуқий устуворликлар, мавжуд ҳуқуқий қадриятлар тизими, ҳуқуқий сиёсат, ислохотларнинг ҳуқуқий мафкураси, шу жумладан, ижтимоий ҳуқуқий онг қайта мушоҳада этишга муҳтож.**

Айни юқоридаги вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий – сиёсий ўзгаришларга, ислохотларга муносабати билан уйғун равишда ҳуқуқий билимни ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, аҳоли (айниқса, ёшлар)ни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони айни муддао бўлди.

Фармонда ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги нуқсон ҳамда муаммолар, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий ҳуқуқий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишга муносиб тарзда ёндашмаслик, бу соҳада фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан етарли фойдаланмаслик, ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишнинг таъсирчан механизмлари яратилмаганлиги каби камчиликлар эътироф этилди.

Фармон ва тасдиқланган Концепциянинг муҳим хусусиятларидан бири жамиятнинг узвий қатлами ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида жиддий йўналиш сифатида белгиланганлигидир. Давлат идоралари ходимларининг, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг юқори ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини лозим даражада таъминлашнинг жиддий кафолатларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатда ҳуқуқий онг ва маданият соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати” деган ғоя остида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясини қабул қилиш ва амалга оширишни тақозо этди.

Ушбу муносабат билан ҳуқуқий онг мавзуси бугун алоҳида тарзда янада долзарб бўлди. У махсус мушоҳада қилиниши лозим бўлган ўта жиддий масалага айланди. Тадқиқ ва таҳлилимизнинг тамал тоши сифатида, шубҳасиз, қуйидаги тезис эътироф этилиши жоиз: “Ҳар бир фуқаро эркин, етук ва соғлом ҳуқуқий онгга эга бўлиши лозим”. Ҳуқуқий онгнинг моҳияти, табиати тушунчаси ва хусусиятларини очиш учун унинг ҳуқуқ билан алоқадорлигига урғу бериш муҳимдир. Зеро, ҳуқуқ билан ҳуқуқий онг бир тур ва тоифадаги ижтимоий ҳодисалар сифатида узвий боғлиқ йўлдош, доимий ҳамроҳ воқеликлар ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг таъриф ва тавсифига теран тўхталмаган ҳолда, қуйидаги изоҳни айтиш кифоя. Ҳуқуқ – ижтимоий адолат, эркинлик ва тенгликнинг норматив ифодаси тарзида халқ иродасининг мужассамлашувига таянган ҳолда давлат ҳокимияти мустаҳкамлайдиган (санкциялайдиган) ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси. Ҳуқуқ, унинг функционал амалиёти ҳамisha инсонларнинг у ёки бу муносабатига сазовор, улар диққатини ўзига жалб этувчи қадрият ҳисобланади. Айни шу муносабат ва жараён ҳуқуқий онгни вужудга келтиради. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онг – инсонларнинг ҳуқуқни ижтимоий ҳаётда намоён бўлишига оид муносабатларининг муҳим кўринишларидан бири.

Жамият ривожланиши диалектикаси шундайки, бир томондан, ҳуқуқ аслида,



том маънода, инсонлар ақлий, иродавий ва онгли фаолиятининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, айна ҳуқуқ – ирода ва онг соҳиби бўлган инсонларнинг фаолиятини, хулқ-атворини белгилайди, уларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солади(!)

Ҳуқуқий онг ўта ноёб, мураккаб ҳодисадир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг ҳуқуқий мафкурасини (таъбир жоиз бўлса, “фалсафаси”ни), ҳуқуқий қадриятлари ҳамда адолат ҳақидаги идеаллари инъикоси тарзида намоён бўлади. У қонун ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлардаги императив қоидаларни идрок этади, акс эттиради. Шу маънода ҳуқуқий онгни жамият ҳуқуқий ҳаёти (воқелиги)нинг ойнаси, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий онгнинг намоён бўлиш кўлами, таъсир этиш доираси ниҳоятда кенг. У ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш (қўллаш) соҳасида ҳам, ниҳоят, ҳуқуқни муҳофаза этиш жабҳасида ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий нормалар мазмунини шакллантиришда, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъносиди, ҳуқуқни қўриқлаш фаолияти кабиларнинг барчасида фаол “иштирок” этади.

Инсонларнинг ҳуқуқ ҳақидаги, ҳуқуқий давлат воқеликлар, ҳуқуқий тизим, умуман, ҳуқуқий ҳаёт хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, билимлари, ҳис-туйғулари, руҳий кечинмалари ҳамда кайфиятлари ҳуқуқий онг деган категорияда мужассам тарзда намоён бўлади. Ҳуқуқий онг жамият маънавий оламининг узвий бўлаги бўлиб, унда индивидларнинг ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар, юридик мазмундаги устуворликлар, адолат ҳақидаги эзгу қараш ҳамда тасаввурлар, эркинлик ва тенглик борасидаги мезоний баҳолашлар, қатъий интизом ҳамда муаззам тартибот истаги билан йўғрилган интилишлар, ва ниҳоят, амалдаги қонун-қоидаларда муносабат ифодаланади.

Назарий талқин жиҳатидан ҳуқуқий онг икки қисмдан иборат: ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳият. Ҳуқуқий мафкура – ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, назарий тушунча, гоё ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий мафкура қисмида акс этган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади. Бундай илмий манбаларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билимларни,



мулоҳазаларни, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Инсоннинг онгидаги ҳуқуқни англаш жараёни, юқорида зикр этганимиздек ёки шунга яқинроқ тарзда кечади. Инсон ҳуқуқий онги орқали ҳуқуқни англаш билан уни қўллаш жараёнида, суд ишларида, қонунийлик ва қонун тўғрисида ахборот олинади.

Ҳуқуқий руҳият онг доирасидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, онгда юзага келадиган ва унга сингиб кетган ҳис-туйғу, кечинмалар соҳасини ифодалайди. Ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан тиклаш соҳасидир. Инсон ҳиссиз, ўйламай ўз-ўзидан фикр юритадиган “қурилма” эмас, балки у фикр юритиш билан бирга сезги воситасида ҳам англайдиган тирик зотдир. Шунинг учун инсон ижтимоий ҳодисаларни, шу жумладан, ҳуқуқий ҳодисаларни нафақат ақл, балки сезги билан ҳам идрок этади.

Жамиятдаги роли ва аҳамияти, ижтимоий вазифаси нуқтаи назаридан ҳуқуқий онг қуйидаги муҳим вазифаларни адо этади:

– ахборот олиш функцияси жамият барча аъзоларининг турли шаклдаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишида намоён бўлади. Ҳуқуқий онгнинг ахборот олиш функцияси кетма-кет пайдо бўлувчи руҳий ҳодисалардан тузилган: биринчидан, у асосан сезиш, эшитиш ва кўришдан вужудга келади; иккинчидан, қабул қилиш, хотира, эсда сақлаш, хотирадагиларни қайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида ҳуқуққа оид билимларни тўплайди ва уларни ҳар хил ҳуқуқий тасаввурлар шаклида ифода этади; учинчидан, тафаккур олий даражадаги билиш жараёни ҳисобланиб, ҳуқуқий гоёлар, тушунча ва эътиқодлар унинг маҳсулидир;

– баҳолаш функцияси ҳуқуқий онгнинг ўсиши натижасида инсонларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид бўлган ҳодисаларни бир-бирдан ажрата олишига, уларга баҳо бериб, муносабат билдиришига кўмаклашади;

– тартибга солиш функцияси эса шахсларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, уларни ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳаракат қилишларини таъминлайди. Шунингдек, адабиётларда ҳуқуқий онгнинг

гносеологик, бошқарув ва ҳуқуқни шакллантириш функциялари алоҳида шаклда ажратиб кўрсатилади;

– гносеологик функция объектив борлиқдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларнинг илдини билишни тавсиф этади. Бошқарув индивид феъл-атворини ҳуқуқ талаблари билан қиёслаш воситасида ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиришини, тартиблашни назарда тутаяди;

– ҳуқуқий онгнинг ўзини ўзи бошқариш функцияси, Инсон орзу-интилишларини оқилона рўйбга чиқариш ҳуқуқий онгнинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички туйғулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, реал объектив борлиқ, жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш кабиларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий онг қабул қилаётган ҳуқуқий ахборотни «қайта ишлаш» ва ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у манфаатни англаш, мақсадни аниқлаш, асослаш тизими ва истагини намоён этиш каби ҳолатларни ўз ичига олади;

– ҳуқуқий онгни ташкил этиш, уюштириш функцияси ҳуқуқ субъектларининг хулқи, хатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этишдан иборат бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт учун жуда муҳим ҳисобланади. Шу маънода ҳуқуқнинг яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳияти хусусида гапириш мумкин.

Юриспруденцияда ҳуқуқий онгнинг бирламчи (индивидуал), ижтимоий (гурухий), илмий ва профессионал даражалари (турлари) фарқланади. Бугунги кунда юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Бундай ҳуқуқий онг махсус тайёргарликдан ўтиш (масалан, юридик таълим муассасасида таҳсил олиш)

мобайнида, шунингдек, юридик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланади, ривожланади ҳамда намоён бўлади.

Юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги мазмунига юқоридаги касбий билим, тегишли амалиётни билиш ва тажрибага эга бўлишдан ташқари, ҳуқуқни қўллаш кўникмалари ва малакасига эгалик ҳам киради.

Касбий ҳуқуқий онгнинг таснифини янада аниқлаштирадиган бўлсак, судьялар, прокурорлар ва адвокатларнинг ҳуқуқий онги, ички ишлар ходимларининг, жумладан, терговчилар, ДАН ходимлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг ҳуқуқий онги ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, депутатлар ва сенаторларнинг ҳуқуқий онги масаласини ҳам мазкур тоифага киритиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Зеро, парламент аъзолари бевосита қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланиладилар. Уларнинг ҳуқуқий онги ва савияси қабул қилинаётган қонунларнинг мазмунида, норматив ифодаларида намоён бўлади. Демак, қонунларнинг сифати, савияси, гоёвий-мафкуравий мазмуни даражаси парламентарийларнинг ҳуқуқий онги савияси ва мазмуни билан мутаносиб — адекват бўлади ва асло ундан юқорироқ бўла олмайди. Одатда, юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги жамиятдаги илғор, пешқадам ҳуқуқий онг деб ҳисобланади. Шу боис уларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти жамиятнинг бошқа аъзолари, масалан, оддий фуқароларнинг ҳуқуқий онги учун ибрат, намуна ва ўрнак бўлиши лозим.

Бугунги инновацион тараққиёт босқичи эҳтиёжлари, ҳуқуқий давлат барпо этиш манфаатлари ҳуқуқий ислохотларнинг шиддати, юристларнинг профессионал ҳуқуқий онгига алоҳида масъулиятли талабларни қўймоқда. Мазкур онг, аввало, жамиятда кечаётган демократик, инсонпарвар ўзгаришлар кўламини англаши, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг фалсафий гоёси ва мазмунини, қонунчиликка киритилаётган замонавий ўзгаришлар маъно-моҳиятини ўзига сингдириб бориши лозим. Юристларнинг касбий ҳуқуқий онги ҳодисасининг мазмунини қуйидаги мезонлар ташкил этади:

– кенг ҳуқуқий тафаккур қобилияти ва дунёқарашга эга бўлиш;

– амалдаги қонунчиликдан хабардорлик даражаси, айниқса ўз фаолиятига оид қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини билиш;

– мавжуд ҳуқуқий қадриятларни идрок этиш ва уларни амалда қўллаш кўникмаларининг шаклланганлиги;



– давлатнинг ҳуқуқий сиёсати мазмунини, амалга ошириладиган ҳуқуқий, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини, уларнинг асосий йўналишларини англаши, ўзлаштирганлиги ва ҳ.к.

Мазкур ҳуқуқий онгнинг самарадорлиги ушбу онг тури соҳибларининг ҳуқуқий фаоллиги, ташаббускорлигида кўринади. Ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий ижтимоийлашув даражаси ҳар қандай ҳуқуқий онг, шу жумладан, фуқароларнинг умумий ҳуқуқий онглилик ҳолатини ҳам баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади. Профессинал ҳуқуқий онг ҳолатини, унинг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун уни илмий нуқтаи назардан пухта ўрганиш, имкон қадар теран социологик тадқиқотларнинг мунтазам объектига айлантириш зарур. Афсуски, бу борада ҳа-нузгача жўяли тадқиқотлар ўтказилмаган. Аслида, судья ва адвокатларнинг ҳамда, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг аҳоли ҳамда савиясини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш учун мақсадли социологик ўрганишлар олиб борилиши зарур.

Масалан, биргина жиҳатга эътибор қаратайлик. Ҳўш, бугун юристларнинг турли тоифалари: судьялар, прокурорлар, ички ишлар тизими ходимлари, нотариуслар, адвокатлар, юристконсультлар ва бошқалар қонун устуворлиги принципини, қонунларга оғишмай риоя этиш, уларни натижали татбиқ этиш талабларини қандай идрок этадилар, қонунларни амалиётда қандай қўллайдилар деган кўплаб муҳим саволларга аниқ жавоб борми? Чамаси, йўқ.

Яна бир вазият кўпчиликни қизиқтиради: нима учун бундан чорак асрдан зиёдроқ муқаддам Конституциямизда мустаҳкамланган шахснинг айбсизлиги презумпцияси принципи шу вақтгача судьялар, прокурорлар, терговчилар ҳуқуқий онгининг узвий мулкига айланаолмади? Биргина мисол. Ана шу принципни қўллаш асосида нима учундир судларимиз қарийб йигирма беш йил бадалида оқлов ҳукмлари чиқармадилар. Фақатгина 2017 йилга келиб Давлатимиз раҳбари юқори минбардан туриб, “нима учун судларимиз оқлов ҳукмларини чиқармайди?” деган масалани кўтарганидан кейин вазият ижобий томонга ўзгарди: 2017 йил давомида 191 та, 2018 йилда 360 дан зиёд, 2019 йилда 600 га яқин оқлов ҳукмлари эълон қилинди. Демак, профессионал ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ошириб бориш масаласида олдимизда жиддий вазифа ва муаммолар турибди.

## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Феруз ИБРАГИМОВ,**  
*Маъмурий ишлар бўйича*  
*Когон туман суди раиси*



Мен 2020 йил 20 январдан 1 февралгача Судьялар олий мактабида икки ҳафталик малака ошириш курсида ўқидим.

Тўғриси айтганда, ўқишга келгунга қадар мен бошқача фикрда эдим. Олдинлари иштирок этган одатдаги малака ошириш курси бўлса

керак деган ҳаёлда эдим. Дарс машғулоти бошланганидан сўнг, мен Судьялар олий мактаби бежиз ташкил этилмаганлигига амин бўлдим. Олий мактабда дарс жадвалларига бугунги кун судьяси учун энг керак бўлган йўналишлар бўйича ўқув машғулоти киририлган.

Дарс жараёнидаги тингловчи билан ўқитувчи ўртасидаги мулоқот ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Дарс давомида фақат ўқитувчи маъруза қилиб қолмасдан, тингловчини ҳам мавзу бўйича мулоқотга чақиради, фикрлашга ундайди.

Икки ҳафта давомида танишиб билдимки, бугунги кунда Судьялар олий мактабида алоҳида Кенгаш ташкил этилган экан. Судьялар олий мактаби фаолияти билан боғлиқ аксарият масалалар айнан мана шу Кенгаш аъзолари муҳокамаси билан ўз ечимини топар экан. Бундан ташқари, 5 та кафедра, 2 та марказ, 8 та бўлим ва бошқа тузилмаларнинг фаолияти йўлга қўйилган. Барча кафедралар фаолияти билан ҳам яқиндан танишдим.

Жумладан, таълим йўналиши бўйича ўқув-методик ҳамда ахборот-техникавий ва масофавий ўқитиш бўлимлари, касбий кўникмалар кафедраси, шунингдек судларнинг иқтисослашувига мувофиқ равишда фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ кафедраларидан иборат жами 5 та кафедра мавжуд бўлиб, профессор-ўқитувчилар сони 8 нафарни ташкил этар экан.

Менда жуда катта таассурот қолдирган, Олий мактабда ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш ўқув юртлари билан Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш имкониятлари яратилганлиги бўлди. Ўқув аудиториялари бунга мос равишда энг ривожланган ахборот коммуникацион воситалари билан жиҳозланган.

Бир сўз билан айтганда, икки ҳафталик малака ошириш курси давомида судьялик фаолиятимда асқотадиган кўплаб маълумотлар олдим.

# ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНА: МИЛЛИЙ ВА НОАՆЪАНАВИЙ ЁНДАШУВ

**Олим ФАЙЗИЕВ,**  
Тошкент давлат  
юридик университети  
мустақил-изланувчиси

***Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлашда самарали тизимни жорий этиш барча ривожланган давлатлар сингари мамлакатимиз ички сиёсатининг ҳам энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.***

Таъкидлаш жоизки, замон талабларидан келиб чиқиб, қатор ривожланган давлатларда мурожаатлар билан ишлашда ноанъанавий<sup>1</sup>, тезкор, самарали механизмларни аниқлаш ва жорий этишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Германия, Корея ва Буюк Британияда мурожаатлар билан ишлашнинг электрон тизими тўлиқ жорий этилган бўлса, бундай тизим АҚШ, Россия ва Австралияда қисман йўлга қўйилган<sup>2</sup>. Россия Федерациясида мурожаатларни электрон тақдим этиш ва унга жавоб олиш мумкинлиги қонун билан мустаҳкамланган бўлса-да, аммо ушбу тизимни амалда татбиқ этишнинг аниқ механизмлари қонун ҳужжатлари билан мукамал тартибга солинмаган. Австралияда эса мурожаатлар анъанавий тарзда – қоғоз шаклида расмийлаштирилади ва сканер қилинган ҳолда махсус электрон тизим – “Хонсард” да айланади.

Жанубий Корея Республикасининг бу борадаги тажрибаси бир мунча таҳсинга лойиқ, дейиш мумкин, жумладан, мазкур давлатда мурожаатлар билан ишлаш мақсадида OPEN – махсус онлайн тизимдан фойдаланилади. Германия тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, у ерда махсус веб-сайт орқали оммавий мурожаат юбориш механизми жорий этилган. Бунда манфаатдор шахснинг мурожаати барча танишиши учун очиқ тарзда эълон қилинади ва ушбу мурожаатга тарафдор бўлган шахслар унга қўшилишлари ҳам мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ Ўзбекистон тажрибасига назар ташлар эканмиз, яқингача мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлашнинг анъанавий усулда бирмунча устуворлик касб этганлигининг гувоҳи бўламиз. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши баробарида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг миллий ва ноанъанавий усуллари таянган ҳолда мурожаатларни кўриб чиқишнинг самарали механизмларидан кенг фойдаланишга эришилмоқда.

Виртуал қабулхонанинг қисқа вақт оралиғидаги фаолияти аҳолининг энг долзарб муаммоларини

ҳал этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимликлар билан фуқаролар ўртасидаги мулоқот ҳамда ҳамкорликнинг энг самарали воситасига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Виртуал қабулхонанинг 3 йиллик фаолияти мобайнида у орқали 3,5 млн.дан ортиқ мурожаатнинг келиб тушгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бу ҳолат, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончининг тобора ортиб, жамиятда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, улардан фойдаланиш даражаси ўсиб бораётгани, халқимиз яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдаланаётганлигидан далолат бўлса, иккинчи томондан, мавжуд муаммоларни бартараф этиш нақадар зарурлигини кўрсатмоқда.

Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг ҳудудлар кесимида таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳри (514 487), Қашқадарё (368 104), Тошкент (342 078), Сурхондарё (321 688), Фарғона (309 310) вилоятлари аҳолисидан келиб тушган.

Давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мажбурий ижро бюроси, Олий суд, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фикримизча, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилаётган муаммолар, мавжуд камчиликлар ҳамда билдирилган таклифлар қонун ҳужжатларини янада такомиллаштирилишини, уларга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Чунончи:

– Республикаимиз фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий рўйхатга олиш (прописка) муаммоси ҳалигача ўз ечимини

топмаганлиги, бу борада бир-бирига зид идоравий ҳужжатлар (кўрсатмалар) чиқарилганлиги, ҳатто Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳам доимий рўйхатга олинмаётганлиги, соҳада турли бюрократик тўсиқлар мавжудлиги, ушбу муаммолар ортидан мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ турли зиддиятли вазиятлар келиб чиқаётганлиги, бу масаланинг ҳал қилинмаганлиги ишга қабул қилишда ҳамон муаммоларни келтириб чиқараётганлиги, бу ўз навбатида, фуқароларнинг давомли норозиликларига сабаб бўлаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Фикримизча, пропискага рухсат бериш амалиётидан воз кечиб, фуқароларни рўйхатга олишнинг халқаро стандартларга мос тизимга ўтиши бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;


– тадбиркорлар ва фуқаролар мажбурий ижро бюроси томонидан тақиқ қўйилган мол-мулкларни аукцион орқали сотиб олганларидан сўнг ҳам, уларга эғалик қилиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаётганликлари, жумладан сотиб олинган мол-мулкларни тақиқдан чиқара олмай овора бўлаётганликлари сабабли, тақиқдаги мол-мулкни сотувга қўйишни ман қилувчи нормаларни қонун ҳужжатларида назарда тутиш;

– мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларига яқин йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур ҳудудлардаги автомобиль йўлларини қайта зарур кўриқдан ўтказиб, биринчи навбатда, ушбу жойларда транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини чеклаш зарур, светофор ва йўл белгиларини ўрнатиш ишларини амалга ошириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизимида тўпланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда Виртуал қабулхона дастурий тизимини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2018 йилда Виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимида фуқароларга қулай бўлган шаклда турли муаммо ва масалалар бўйича малакали юридик ёрдам берилишини таъминловчи “Онлайн маслаҳатчи” модули яратилди ва у бугунги кунда самарали ишламоқда.

Шунингдек, Виртуал қабулхонада мурожаатчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида “Таъқиб ҳақида хабар” модули жорий қилинди. Агар кимда-ким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъқибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тугма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жалб этган ҳолда тезкор равишда кўриб чиқилади.



Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифатини янада юқори даражага кўтариш зарурати мавжуд. Бунда барча давлат органларида, жумладан, ижро ҳокимияти органлари тизимида мурожаатлар билан ишлаш тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг янада такомиллаштириб борилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хусусан, ижро ҳокимияти органларининг мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ чегараларини белгилаш;

ижро ҳокимияти органлари томонидан мурожаатлар кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши ҳолатини назорат қилишни қуйидан то юқоригача вакиллик органларига ўтказиш лозим. Қолаверса, Ҳукумат фаолияти устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш масаласи кўриб чиқилиши бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, мурожаатлар билан ишлашда ноанъанавий усулларни янада кенгроқ қўллаш лозим. Ҳозирда фуқароларнинг аксарияти мобил телефонлар ва интернетдан фойдаланаётганлигини инобатга олиб, давлат органларига мурожаат этишни янада қулай қилиш мақсадида Виртуал қабулхонанинг мобил иловасини ишлаб чиқиш, телеграм каналида бот яратиш ва уларни амалда жорий этиш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда шахсларни идентификация қилиш имкони юзага келиб, натижада мурожаатчиларнинг масъулияти ортади, тўхмат ва ҳақорат мазмунидаги мурожаатлар юборилишининг олди олинади ва аноним мурожаатлар сони камаяди, давлат томонидан сарфланаётган моддий ресурслар иқтисод қилинади, мурожаатлар билан ишлашда очиклик ва шаффофлик янада таъминланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ноанъанавий деганда, мурожаатларни расмийлаштиришда, кўриб чиқишда қоғоз шаклдаги ва бошқа механик усуллардан фойдаланмаслик ёки минимал даражада фойдаланиш тушунилади (таҳрир муаллифники).
2. Право на обращение в Узбекистане, России, Германии, Великобритании, Соединенных Штатах Америки и Австралии: сравнительный анализ. – Ташкент, 2015. – С. 49.



**Комил СИНДАРОВ,**  
юримдик фанлар доктори

## ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА ФАН ЮТУҚЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ: ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁС

**Калит сўзлар:** *илмий тадқиқот натижаларини баҳолаш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришнинг янги йўналишларини яратиш*

Сўнги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва илмий фаолият соҳасини ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди.

Қонунда илк бор илмий тадқиқот натижаларини ва фан ютуқларини тижоратлаштириш ва баҳолашга оид нормалар ўз аксини топган. Унга кўра, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга кўмаклашувчи ва уларнинг эгаларини рағбатлантирувчи, шунингдек, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий таълим тизими муассасаларининг, шунингдек, бўйсунувида илмий ташкилотлар бўлган ва-зирлик, идоралар ҳамда ташкилотларга юклатилди.

Шу билан бирга Қонуннинг 31-моддасида илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш тушунчаси ёритилиб, унга кўра илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш де-ганда фойда олиш мақсадида илмий фаолият натижаларини фуқаролик муомаласига кири-тиш жараёни эканлиги белгиланди.

**Мазкур модданинг иккинчи қисмида илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш:**

– илмий фаолият натижаларини қўлланган ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

– таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган ташкилот (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган таши-

килот) бўлган тижорат ташкилотларини ташкил этиш;

– интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк хуқуқларни учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш хуқуқини роялти тўловларига асосланган лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан, уларни кейинчалик ушбу хуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шарти билан бериш ва бошқа усуллар орқали амалга оширилиши қайд этилган.

Илмий фаолият натижаларини тижоратлаштиришдан аввал унинг фаолият натижасидан келиб чиққан илмий ишланмалар қийматини баҳолаш лозим. Қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унинг тушунчаси берилган. Қонуннинг 28-моддасида илмий ишланмаларни баҳолаш илмий фаолият натижалари қийматини аниқлашга йўналтирилган фаолият эканлиги таъкидланган.

Илмий ишланмаларни баҳолаш баҳолаш фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс томонидан амалга оширилади.

**Баҳоланган илмий ишланмалардан:**

– ташкилотларнинг устав капиталига улуш сифатида қўшиш ва роялти миқдорини аниқлаш;

– лицензия келишувларини тузиш;

– сарфланган маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Илмий ишланмаларни баҳолаш натижалари расмийлаштирилади ва келгусида фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда илмий ишланмаларни баҳолаш ва уни тижоратлаштириш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида илмий тадқиқот фаолияти натижалари тижоратлаштириш бўйича катта қадам ташланаётган

бир маҳалда, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасида қандай ютуқ ва марраларга эришганига эътибор қаратсак.

Аслида илмий тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштириш, иқтисодий самарага эга бўлган янги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқаришни, товарларни, ишларни ва хизматларни бозорга чиқариш мақсадида технологияларни амалда қўллаш ва жорий қилиш билан боғлиқ бўлган жараён дир.

### **Белорусь Республикасининг қончилигига асосан илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари қуйидагилар:**

- Давлат дастурлари ва инновацион лойиҳалар доирасида илмий тадқиқот ишларини бажариш ва натижаларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга топшириш;
- хўжалик шартномалари доирасида илмий тадқиқот шартномаларини бажариш ва мижозлардан олинган натижаларни ўзлаштириш;
- Беларуссия Республикасининг норезидентлари билан тузилган шартномалар бўйича илмий тадқиқотларни бажариш ва натижаларни хорижий харидорга топшириш;
- илмий ва техник фаолият натижаларидан ташкилотнинг ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш;
- илмий ва техник фаолият натижаларини етказиб бериш ҳисобланади.

### **Илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш учун зарур шартлар қуйидагилардан иборат:**

- 1) илмий-техник фаолият натижасида яратилган фактни тасдиқловчи ҳужжатли далиллар;
- 2) илмий-техник фаолият натижаларида ҳуқуқларнинг мавжудлиги;
- 3) илмий-техник фаолият натижалари бўйича олинган юқори технологияли маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳолаш;
- 4) илмий-техник фаолият натижаларида бўлган ҳуқуқларни баҳолаш;
- 5) бухгалтерия ҳисобида илмий-техник фаолият натижаларини акс эттириш.

Илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган технологияларни тижоратлаштириш одатда жуда кўп вақт талаб этади ва бир неча асосий босқичлардан иборат бўлиб, бу босқичлар кетма-кет ўзгариши ёки бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин.

- 1) *Тадқиқот ўтказиш.*
- 2) *Ихтиро қилишни очиб бериш.*
- 3) *Ихтирога баҳо бериш.*

4) *Амал қилиш принципини текшириш ва тасдиқлаш.*

5) *Технологияни лицензиялаш.*

6) *Янги бизнесни ташкил этиш.*

7) *Даромадларни тақсимлаш.*

Дунёда илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш соҳасида етакчиликни АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада ва Австралия давлатлари эгаллайди. Шунингдек, бу соҳада ривожланаётган мамлакатлар қаторига Ҳиндистон, Хитой, Сингапур ва Саудия Арабистони каби давлатларни киритиш мумкин.

Инновацияларни университетлардан санатга ўтказиш технологияси Америка иқтисодий рақобатбардошлиги бўйича миллий мунозаранинг муҳим қисмидир.

1980 йилда АҚШ Конгресси Бая-Доула қонунини федерал бюджет томонидан молиялаштириладиган университет тадқиқотларни тижоратлаштиришни жадаллаштириш учун қабул қилди, бу эса истиқболли янги технологияларнинг ихтиро қилинишига сабаб бўлди.

Федерал ҳукумат университетларга инновацияларни мустақил равишда тижоратлаштириш имкониятини берди. Технологияларни тижоратлаштириш жараёни янада аниқроқ ва стандартлаштирилгандан сўнг, ҳатто бу соҳа билан шуғулланмаган университетлар ҳам ўзларининг дунёқарашларини ўзгартира бошладилар.

Бугунги кунга келиб АҚШнинг биргина Мас-сачусетс технология институти бир неча ўнлаб билим соҳаларида камида 400 та марказ ва лабораторияларга эгадир.

Унинг доирасида илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган "Deshpande Centre for Technological Innovation" номли технологик инновациялар маркази яратилган. Унинг микромолиявий инновациялар миқдори ўн миллионлаб АҚШ долларига тенгдир.

Буюк Британия тажрибасига эътибор қаратасидан бўлсак, Ноттингем университети таркибига илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш вазифаси юклатилган таркибий бўлинмалар киради. У Ноттингем университети инновацион паркидир — "University of Nottingham Innovation Park".

**Германияда эса илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш бўйича Мюнхен техник университети шуғулланади. Университетда илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган қуйидаги тузилмалар яратилган бўлиб, яъни биринчиси, тадбиркорлик маркази учта тузилмани ўз ичига олади:**

## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Шерзод ЖАМОЛОВ,  
Судьялар олий мактаби магистри



Мурожаатномада муҳтарам Президентимиз “Суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак” деб алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари бўлажак судья

сифатида биз Судьялар олий мактаби магистр тингловчилари олдида ҳам алоҳида масъулияни юклайди. Чунки, биз эртага Судьялар олий мактабини тамомлаб, судьялик лавозимида фаолият юритамиз.

Мазкур таълим муассасасида судьялар ва суд ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурлари, малакавий талаблар ишлаб чиқилди. Ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш ўқув юртлари билан интернет тармоғи орқали онлайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ўқув аудиториялари бунга мос равишда энг ривожланган ахборот коммуникацион воситалари билан жиҳозланди.

Масалан, биргина Ахборот-ресурс маркази 20 дан ортиқ энг замонавий компьютер, масофадан туриб керакли маълумотларни олиш ва бошқа ахборот-ресурс марказлари сайтларига уланиш имкониятига эга бўлган ускуналар билан жиҳозланган. Улар Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонанинг электрон ресурс марказига уланган ва миллий кутубхонанинг электрон фондидаги адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Судьялар олий мактабида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича кўплаб амалий ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, китоб халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб Ахборот-ресурс марказида кутубхона ҳам ташкил этилди.

Бу шароитларнинг барчасидан самарали фойдаланган ҳолда эртага судьялик лавозимига муносиб номзод сифатида шаклланишимиз керак ва биз бунга астойдил ҳаракат қиляпмиз.

1-UnternehmerTUM GmbH таркиби маслаҳатлар беради, бизнес-режалар тузади, институционал инвесторларни қидиради, семинарлар ўтказилади;

2-GründerTUM-Workshop маркетингга, молия ва молиялаштиришга, юридик саволларнинг ҳимоясига, патентларни сотиш ва сотиб олишга жавоб беради;

3-GründerLAB тузилмаси аслида бизнес-инкубатор: у маъмурий бинолар ва музокалар учун хоналар, прототипларини ишлаб чиқариш имкониятига эга инновацион лаборатория билан таъминлайди;

**Иккинчиси**, билим алмашинуви маркази “Center of Knowledge Interchange – Büro”;

**Учинчиси**, алмашинув технологияларга кўмаклашиш маркази – мижозлар билан музокара қилиш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, патентга тегишли илмий тадқиқот фаолияти натижаларини аниқлаш, ихтирочиларга маслаҳат бериш ва шу каби бошқа вазифаларни амалга оширади.

Илмий тадқиқот фаолиятини тижоратлаштириш кўп жиҳатдан инновацион жараённинг асосий иштирокчилари – илмий ташкилотлар ва университетлар, кичик фирмалар, йирик корпорациялар ўртасидаги муносабатлар билан белгиланади. Ушбу алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантириш учун, шунингдек, келишувдан олдин ҳам қўшма тадқиқотларни кўллаб-қувватлаш орқали турли мамлакатларда тегишли дастурлар амалга оширилмоқда.

Бундай дастурлар қаторига илмий тадқиқот билан шуғулланувчи ташкилотларни кўллаб-қувватлаш, замонавий технологиялар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кичик компанияларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнеснинг тижорат тажрибасидан фойдаланган ҳолда, юқори технологияли маҳсулотларни бозорга олиб чиқишда университетлар ва давлат илмий марказлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш қиради.

Дастурлар асосида кичик бизнес субъектларига университетлар ва давлат илмий марказлари билан қўшма тадқиқотлар ва ишланмалар учун молиявий ёрдам кўрсатилади. Тадқиқот ўтказувчи ва кичик бизнес субъектлари ҳамкорликда яратилган интеллектуал мулк улар ўртасида қандай тақсимланиши тўғрисида шартнома тузадилар.

Бундан ташқари, саноатни инновацион ва технологик қайта куриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни кўллаб-қувватладиган дастурлар мавжуд. Дастурда, асосан, университетлар, илмий ташкилотлар, ком-



паниялар, савдо бирлашмалари иштирок этадилар.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик лойиҳаларини баҳолаш ва қарорларни қабул қилиш муайян мезонлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, лойиҳалар саноатни инновацион ва технологик қайта қуришга салмоқли ҳисса қўшиши керак, лойиҳа натижалари фақат битта компанияда эмас, балки бир нечта соҳаларда қўлланилиши керак ва лойиҳа аниқ технологик афзалликларга эга бўлиши лозим.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш бўйича самарали фаолият кўрсатадиган марказлар ташкил этилган бўлиб, улар шу ҳудуднинг ривожланишига ҳисса қўшади, чунки улар ҳудудларга инвесторларни жалб этиш ва бошқа томондан маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар, шунингдек, университет ўртасида шерикчилик алоқаларини ўрнатувчи восита ҳисобланади. Бундай марказлар орқали нафақат иқтисодий фойда олинишига эришилади, балки тижоратлаштириш жараёни натижасида юқори технологиялар соҳасидаги янги кичик ва ўрта бизнес субъектларининг яратилишига, солиқ тушумларини ортишига ҳамда қўшимча иқтисодий фаолиятнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш бўйича бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Энг асосийларидан бири илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш соҳасида етарлича тажрибага эга эмаслиги. Бу соҳани яхши тушунадиган малакали кадрларга эҳтиёж сезилаётганлиги муболаға эмас.

Бундан ташқари, илмий тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш билан шуғулланувчи ва харидорлар (инвесторлар) ни дунё миқёсидан излаб топиб, жалб этувчи воситачилар (агентлар) мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда замонавий технологияларни ривожлантириш ва уларни тижоратлаштириш бўйича шуғулланувчи марказлар етарли даражада ташкил топмаган. Илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришнинг замонавий усулларини яратиш, уни янги босқичга кўтариш ва янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан**, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.



**Иккинчидан**, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолаш билан шуғулланувчи компаниялар, марказлар яратиш ва уларнинг фаолиятини қонунчиликда аниқ белгилаш.

**Учинчидан**, муайян лойиҳалар ёки ташкилотларни (масалан, кичик инновацион фирмалар) ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри узоқ муддатга молиялаштириш.

**Тўртинчидан**, фан ва инновациялар соҳасидаги давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаш (давлат-хусусий шерикчилик доирасида).

**Бешинчидан**, ишлаб чиқариш ва технологик инфратузилма яратишни молиялаштириш (технопарклар, инкубаторлар, технологияларни илгари суриш билан шуғулланувчи компаниялар ва бошқалар).

**Олтинчидан**, давлат томонидан йирик корхоналарнинг тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш жараёнларида иштирок этишга кўмаклашув.

**Еттинчидан**, илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш билан шуғулланувчи воситачилар (агентлар) институтини жорий этиш, уни шакллантириш, бу соҳада халқаро ҳамкорликнинг шерикчилик дастурларини амалга ошириш.

**Саккизинчидан**, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш жараёнида иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида" - ги Қонуни.
2. Мясникович М.В. Научные основы инновационной деятельности. - Мн.: ИООО «Право и экономика», 2003. - 279 с.
3. Коробейников О.П., Трифилова А.А., Коршунов И.А. Роль инноваций в процессе формирования стратегии предприятия // Мировая экономика и международные отношения. - 2001. - № 4. - С.32-44.
4. [https://studwood.ru/769764/menedzhment/kommertsializatsiya\\_rezultatov\\_nauchno-tehnicheskoy\\_deyatelnosti](https://studwood.ru/769764/menedzhment/kommertsializatsiya_rezultatov_nauchno-tehnicheskoy_deyatelnosti).
5. <http://www.allbest.ru/>.
6. <http://russiantechnology.ru>



**Жамшид ОТАХАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқарув ва  
академияси тингловчиси.

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ: ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР МИСОЛИДА

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлаётган кенг кўламли ўзгаришлар билан узвий боғлиқликда, мантиқий изчилликда босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.*

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан имзоланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида айнан судларни ислоҳ қилиш масаласида мамлакатимизда амалга оширилган ишларни куйидаги гуруҳга ажратишимиз мумкин.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар;

**иккинчидан,** суд ишларини юритиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга оид ислоҳотлар;

**учинчидан,** судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга оид ислоҳотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, асосий устувор йўналишларни белгилаб берди.

Шунингдек, 2017 йилнинг 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилга қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

### Мазкур фармонга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиши соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг кўриқлаш взводи тугатилди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимида ўтказилди;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этилди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди;

ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди;

амалдаги суд мажлиси котиби лавозими тугатилиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимларини киритилди.

Шунингдек, 2019 йил 6 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги

тизими таҳлили профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммоларга ечим топилди.

## МАЪЛУМОТ УЧУН:

**Судьялар олий мактаби судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.**

Мазкур қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Унда 5 та: фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ҳамда касбий кўникмалар кафедралари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суд билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилиб, бўлғуси судьяларни ўқитиш грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқитилмоқда.

**Икки ойлик раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш.**

**Ўқув дастури суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган.**

**Олий суд буюртмаси асосида икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатда, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш.**

**Курсларда қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилади, шунингдек касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга ёрдам берилади.**

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун билан Хўжалик процессуал кодексига (ҳозирда Иқтисодий процессуал кодекси) қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, хўжалик (ҳозирда иқтисодий) судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тартиби белгиланди.

**Видеоконференция** - бу одамларга бир-бири билан мулоқот қилиш имкониятини берувчи компьютер технологиясидир. Оддий компьютер ёрдамида маълумотларни кўриш, алмашиш, биргаликда таҳлил қилиш мумкин. Бунда сиз кўриш ва эшитиш имкониятига эга бўласиз.

**Видеоконференцалоқа** - икки ва ундан ортиқ судларнинг реал вақт давомида улар ўртасида ўзаро аудио ва видео ахборотлар алмашинуви имконияти мавжуд бўлган интерактив телекоммуникация техногиясидир.

Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш имкониятининг жорий этилиши процесс иштирокчиларига, шу жумладан, ишни кўраётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўзлари жойлашган ҳудуддан чиқмасдан, вақтлари ва маблағларини тежаган ҳолда суд процессида иштирок этишларига имконият яратади.

Ислохотларнинг давомийлиги сифатида Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда янги даврни бошлаб берди. Мазкур Қарорда инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг стратегик мақсади — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йиғирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсад қилиб белгиланди.

Маълумки, “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи 10 та индикатор кесимида шакллантирилади. Муҳтарам Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги “Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”даги Фармони билан мамлакатимизнинг “Контрактлар ижросини таъминлаш” индикаторидаги ўрнини яхшилаш учун Олий суд масъул идора этиб белгиланди. Мазкур индикатор - тадбиркорлар ўртасида тузиладиган контракт-

ларнинг ижро этилишини таъминлаш учун кетадиган вақт ва харажатларнинг миқдорига қараб, шунингдек мамлакатдаги суд ишларини юритиш тизимининг сифатига қараб шакллантирилади ва баҳоланади.

Ушбу “Контрактлар ижросини таъминлаш” индикатори бўйича мамлакатимиз 2019 йилда 41-ўринда бормоқда. Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги Қарори билан “Бизнес юритишни яхшилаш - 2022” мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди ва унга кўра, 2022 йилга келиб “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида, шу жумладан “Контрактлар ижросини таъминлаш” индикатори бўйича республика 20-ўринга эришиши назарда тутилди.

Контрактлар ижросини таъминлаш соҳасида иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилиши ҳамда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни, шу жумладан давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими жорий этилиши белгиланди.

Шуни айтиш керакки, республика иқтисодий судларида ишларни автоматик равишда тақсимлашни таъминловчи электрон тизим яратилганлиги ва бу янгилиниш “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи экспертлари томонидан ҳам тан олинганлиги таҳсинга сазовордир.

## МАЪЛУМОТ УЧУН:

**2019 йил бошидан 1 октябрга қадар иқтисодий судларга янги келиб тушган 150 мингдан ортиқ ишлар электрон тизим орқали автоматик тарзда тақсимланган.**

жорий йилнинг 20 март куни Ўзбекистон Республикасининг “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни қабул қилинганлиги боис амалдаги бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси “23<sup>1</sup>-боб. Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган боб билан тўлдирилди.**

Ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб билдирилган бўлиб, улардан бири соддалаштирилган тартибда кўрилиши мумкин, бошқалари эса бундай тартибда кўрилиши мумкин бўлмаса, барча талаблар умумий тартибда кўрилади.

Иқтисодий процессуал кодексида даъво аризасига ва унга илова қилинган ҳужжатларга доир

талаблар бўйича соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилади. Даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриб чиқиладиган иш бўйича эса даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилади.

**Иқтисодий судларда соддалаштирилган иш юритишга қуйидаги ҳолларда суд ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш ҳақида ажрим чиқаради:**

учинчи шахс киришса ёки соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган қарши даъво келиб тушса,

ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш давлат сирининг, тижорат сирининг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор қилинишига олиб келиши мумкин бўлса

қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки қўшимча далилларни текшириш, шунингдек, далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш, экспертиза тайинлаш ёки гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиш зарур бўлса

билдирилган талаб бошқа талаблар билан боғлиқ бўлса, шу жумладан учинчи шахсларга тааллуқли бўлса ёки мазкур иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилиши мумкин бўлса

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган иш бўйича ишни кўриб чиқиш муддати даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 20 кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, далиллар ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин умумий қоидалар бўйича эса ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 1 ойдан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

Киритилган қўшимчага асосан, соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган иш бўйича иқтисодий ишларни кўриб чиқиш тартиби суд муҳо-



Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича **муддати узайтирилмайди.**

камасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади. Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришлар, эътирозлар ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Шунингдек, судгача мажлис ўтказиш шартлари ва тартиби белгиланди ва “163<sup>1</sup>-модда. Судгача мажлис” деб номланган модда билан тўлдирилди.

Бугунги кунда судгача мажлисни ўтказиш тартиби **Германия, Россия, Беларусь, Грузия** ва **Қозғистон** каби мамлакатлар процессуал қонунчилигида белгиланган.



Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, 100 та ҳолатдан 6 тасида суд муҳокамасининг қолдирилаётганлиги, бунда суд муҳокамасини қолдириш ҳолатларининг 50 фоизи тарафлардан бирининг суд мажлисига келмаслиги ва суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ўша тараф тегишли тарзда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи далиллар бўлмагани сабабли юз бераётганлиги аниқланди. Эндиликда, суд муҳокамаси уни кейинга қолдиришга асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга кодексда суд муҳокамаси учун назарда тутилган муддат доирасида, бироқ кўпи билан ўн кунга қолдирилиши мумкинлиги, шунингдек, суд муҳокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги кераклиги белгиланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган бу каби ислохотлар, энг аввало, олий кадрият сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, суд муҳокамаси иштирокчиларига, хусусан, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, уларнинг сарф-харажати ва вақтини тежаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, судда иш юритишни соддалаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан судлар фаолиятида самарали фойдаланиш мақсадига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар судларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояланишини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Бекзод ХУРСАНОВ,**  
*Қўшработ туман маъмурий суди раиси:*



Бу йилги Мурожаатномада Давлатимиз раҳбарининг “Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифати-

да, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман” дея айтилган гаплари биз судьяларга билдирилган юксак ишонч деб қабул қиламан ва фаолиятим давомида бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Мен амалиётчи судья сифатида кўриб, аниқ айта оламанки, сўнгги уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган суд тизимидаги тарихий ислохотлар мамлакатимиздаги ҳар бир судья ва суд тизими ходимларига жуда катта масъулият юклайди.

Мана шу ислохотларнинг амалий натижаси сифатида Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Биз икки ҳафта давомида ушбу таълим муассасасида малака оширдик.

Мен бундан 5-6 йил олдин Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида малака оширганман. Агар у марказ билан Судьялар олий мактабини таққослайдиган бўлсак, тубдан фарқ қилади.

Биринчидан, Судьялар олий мактабида амалдаги судьялар учун энг керакли бўлган дарс машғулотлари қўйилган. Масалан, суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тажрибали судьялардан сабоқ олдик. Ушбу таълим муассасасида асосий принцип сифатида белгиланган “Судьяни судья ўқитади” тамойили муҳим аҳамият касб этади. Чунки, у судьяни бугунги кунда нима қийнаётганини аниқ билади ва унга ечим топиб беришга ҳаракат қилади.

Маъмурий суд сўнгги йилларда ташкил этилган суд сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Мен дарс машғулотларида мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар билан боғлиқ кўплаб янги маълумотларни олдим.



# МЕМОРАНДУМ – ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ички ишлар вазирлиги, Божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат юридик университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.**

**Айни мавзуда “Odillik mezonі” мухбири Судьялар олий мактабининг Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудир, юридик фанлар доктори, профессор Илҳом Насриев билан суҳбатлашди:**

**– Сизнингча, Судьялар олий мактабининг бир қатор юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан Меморандум имзолашидан кўзланган мақсад нима?**

– Мазкур Меморандум нега юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ва ҳуқуқни қўлловчи органлар билан имзоланди? Бу ерда ягона мақсад – жамият ривожини учун хизмат қиладиган етуқ ва тажрибали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш асос қилиб олинган. Эътибор қаратган бўлсангиз, бугун ўзаро Келишувга эришган органларнинг барчаси ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг таълим муассасаларидир. Шундай экан, йўлга қўйилаётган ҳамкорлик орқали илмий-тадқиқот ишларига профессор-ўқитувчилар ва ходимларни жалб этиш, дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалар ҳамда долзарб ҳуқуқий мавзуларда илмий мақолалар ва тезисларни тайёрлаш каби йўналишларга алоҳида аҳамият қаратилиши назарда тутилмоқда. Натижада, соҳага

доир эришилган ютуқлар, янгиликлар ҳақида ўзаро маълумот алмашиниб туриш механизми яратилади. Суд ва давлат бошқаруви соҳаси, ички ишлар, божхона органлари ходимларининг малакасини ошириш, юридик кадрларни тайёрлаш, раҳбарлик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳуқуқни қўллаш, суд амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар ўтказишда томонлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мақсад ва вазифалар самара бера бошлайди.

**– Келишувга эришаётган ҳамкорлар хусусида нима дея оласиз, улар билан бизнинг фаолиятимиз қайси нуқтада туташади? Ва, келгусида ўрнатилаётган келишувдан нимани кутсак бўлади?**

– Президентимизнинг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида тўртта йўналиш бўйича магистрларни ўқитиш жорий этилди. Президент қарорида ўқитишнинг амалиёт билан уйғун олиб борилиши белгилаб берилган. Эътиборингизни 2019 йилда 20 дан ортиқ судьяларимиз жиноят ишлари бўйича ва маъмурий судларга ички ишлар тизимида хизмат қилган ходимлардан тайинланганлигига қаратмоқчиман. Бу кадрларнинг суд тизимида тўлақонли хизмат қилиши ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини тақозо этади. Бундан ташқари, жазони ўташ муассасалари Ички ишлар вазирлиги тизимида эканлиги боис бизнинг тингловчиларимиз ана шу муассасаларга бориб, машғулотларда қатнашуви ва у ердаги шароит билан яқиндан танишуви ўқитишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади.

Иккинчи йўналишда тузилган Меморандум, олий таълим тизимининг биринчи босқичида суд тизимида кадрлар тайёрлайдиган асосий таянч олий ўқув юрти саналадиган Тошкент давлат юридик университети билан имзоланди. Бир сўз билан айтганда, Тошкент давлат юридик университети юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларидан биридир. Олий мактабда таҳсил олаётган магистрларнинг аксарияти мазкур университет битирувчиларини ташкил этади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, юридик университетда бакалавр ва магистр мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўқитиладиган фанлар билан Судьялар олий мактабида ўқитиладиган фанларни мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда. Яъни, биздаги магистр олий таълимда ўқиган дастурларни такрорлаши керак эмас. Аслида, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Ҳамкорлик доирасида назарий билимларни юридик университетнинг профессорлари, амалий машғулотларни эса Судьялар олий мактабининг ўқитувчилари томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади деган хулосага келинмоқда.

Божхона институти билан ҳамкорлик меморандумининг имзоланишидан асосий мақсад, бугунги кунда амалиётчи судьяларимиз бевосита боғхона билан боғлиқ, боғхона органлари ва фуқаролар, боғхона органлари ҳамда тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган низоларни мазмунан кўриб ҳал қилмоқда. Эътиборли жиҳати, Судьялар олий мактаби магистрларига келгусида касби юзасидан дуч келиши эҳтимоли



бўлган фуқаро билан боғхона ва боғхона билан тадбиркор ўртасидаги низоларни судларда адолатли ҳал этишларида бугунги ўқув жараёнларида ўзлаштирган билимлари кўл келиши учун ҳам боғхона институти билан ҳамкорлик ўрнатилди. Шу нуқтаи назардан, боғхона органлари билан ҳамкорликда машғулотлар ўтказиш, маълум бир муаммоларни ҳал этиш амалга оширишимиз лозим бўлган ишларни осонлаштиради ва ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан тузилган меморандумнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, биз ўқитаётган суд кадрларининг бир вақтнинг ўзида давлат бошқаруви тизими учун ҳам нафи тегади, ўз навбатида, Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олаётган кадрлар ҳам бир вақтнинг ўзида суд тизимида хизмат қилиши мумкин. Бинобарин, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш яна бир муҳим йўналиш ҳисобланади. Шундай экан, уларнинг ўқитиш методологиялари ва усуллари билан фойдаланиш мақсадида биз ҳамкорликни йўлга қўйишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу амалда яхши натижалар бераётганлигига ҳам эътибор қаратдик.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандумдан кўзланган мақсад суд ва юридик кадрларни тайёрлаш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳуқуқни қўллаш, суд амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар ўтказишда Судьялар олий мактабининг магистрантлари ва Жаҳон иқтисодиёти дипломатия уни-

верситети “Халқаро ҳуқуқ” факультети талабаларининг амалиётларини ташкил этиш борасида ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир. Бунда белгиланган вазифалар ижросининг амалда таъминланиши томонлар манфаатларига ижобий таъсир кўрсатиб, фаолиятлари самарадорлигини янада оширишга амалий ёрдам бериши ифодаланган.

**– Судьялар олий мактаби келгусида бошқа ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик ўрнатишни мақсад қилган. Шулар хусусида ҳам фикр билдирсангиз.**

– Биз жамоамиз билан биргаликда ҳамкорлик қилиш борасида ўзига хос ёндашувни мақсад қилганмиз. Буни ҳозирги ва келгусида имзоланиши мумкин бўлган меморандумларсиз ҳам амалга ошириш мумкин. Бунинг учун амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлар тўсқинлик қилмайди. Аммо, айнан мана шу ҳамкорлик бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳамкорликнинг йўналишлари, тадбирлар ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек, ишга жалб қилинадиган масъул шахслар доирасини белгилаш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан ўрнатилаётган келишувлар судьялик лавозимларига илк бор тайинланадиган йигит ва қизларимизни ўқитишда, уларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришда ёрдам беради.

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасида бугун жамият ривожланишининг ўзига хос босқичига қадам кўяётгани алоҳида таъкидланди. Биз янги жамият қуришга киришаётган эканмиз унинг асосий мезонларидан бири – кадрларни ўқитиш, уларнинг кўникмаларини шакллантириш бўйича янгича ёндашувларни жорий этишимиз лозим. Қолаверса, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам Судьялар олий мактабининг олдида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш ва судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан, илмий тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш сингари бир қатор вазифалар қўйилган.

Бу эса таълим муассасаларининг биргаликда фаолият кўрсатиши борасида ҳамкорлик қилишни юзага келтиради. Бундан ташқари, мамлакатимизда иқтисодий ва бозор муносабатлари такомиллашиб, оила ва оилавий муносабатлар ривожланиб бормоқда. Жиноятнинг янги турлари, киберҳужумлар, Интернет тизими ва компьютер, давлат чегаралари билан боғлиқ жиноят турлари, янгидан-янги маъмурий муносабатлар вужудга келмоқда. Автоматлаштирилган тартибдаги йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш мақсадида радарларни қўллаш тизими жорий этилмоқда. Демак, Судьялар олий мактабининг вазифаси профессионал судьяларни тайёрлаш ва улар томонидан янгидан-янги вужудга келаётган низоларни, жиноят турларини ҳал этишга қодир бўлган кадрлар тайёрлаш талаб этиляпти. Бу мақсадни амалга ошириш учун ҳам фақатгина юқорида белгиланган бешта орган ўртасида Меморандум тузиш билан чекланиб қолмасдан, келгусида бошқа ёндош муассасалар билан ҳам ҳамкорликни режалаштирганмиз. Бу муассасалар фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бевосита қонунни қўлловчи органлардан иборат бўлиб қолмасдан, судьянинг маънавий ва маърифий жиҳатдан етук бўлиши лозимлиги талаб этилаётганлиги боис ҳам бошқа маърифий-маданий ва бошқа тузилмаларни жалб этиш борасида иш олиб бормоқда.

**Суҳбатдош:  
Шерзод ДАМИНОВ**







## Энг тўғри савол

Болакай ўзининг учоёқли велосипедида айланиб юрган эди. Ўриндиқлардан бирида ўксиниб йиғлаётган ёш аёлга ҳайрон қараб қолди. Кейин ёнига бориб, секингина сўради:

– Холажсон, сизга нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

Аёлнинг кўзлари қизариб кетган эди. Оғир “ух” тортганча:

– Сен ҳали бу нарсаларни тушунишга кичкиналик қиласан, – деди ва аввалгидан ҳам баттар йиғлаб юборди. Боланинг ҳайронлиги ортди, шошилиб савол берди:

– Бирор жойингиз оғрияптимми, холажсон? Агар сизга велосипедимни берсам, йиғламайсизми?

Жажжи болакайнинг меҳрибонлигидан аёл янаям ўксиниб кетди, алам билан деди:

– Болам-а, мени бу дунёда ҳеч ким яхши кўрмайди. Ҳеч кимга керак эмасман, билдингми, ҳеч кимга!

Бола бирдан жиддий тортди:

– Чиндан ҳам бу ҳақида ҳаммадан сўрадингизми?

Бу сўровга аёл дастлаб эътибор қилмади. Аммо бир неча сониядаёқ ўзига келди. Соддалик билан бер-

ган саволида боланинг ўзи ҳам англамаган ҳақиқат бор эди. Ахир ҳаёт фақатгина бир кишининг севгиси, муносабатидан иборат эмас-ку! Умрига мазмун бағишлаган, фариштадек безубор фарзандлари уни жону дилдан яхши кўришлари ёлгонми? Жуфт кабутардай бир-бирига суяниб қолган ота-онасининг севгиси яна кимда ва қаерда бор? Атрофидаги шунча неъматни кўрмай, бир орсиз учун қадрини тўкиб, йиғлаб ўтирганидан уялиб кетди. Кўз ёшларини артди, майин жилмайиб боланинг бошини силар экан:

– Тўғри айтдинг, ўғлим, – деди. – Ҳаммадан сўрашни унутибман, раҳмат сенга.

Бола “ғалати хола”нинг нима учун раҳмат айтгани, нимага йиғлагани-ю, нима учун кулганининг ҳам маъносини тушунмади. Бир муддат ўйланиб турди, кейин қувнаб ўйнаётган ўртоқларининг ёнига кетди.

**“Ирфон” тақвимининг  
2013 йил 3-сонидан олинди.**



## ЧАЁН

Ҳосид ҳар куни кимнидир чақиб турмаса, ҳасад қилмаса туролмайди. Бу шундай дардки, ўзи бировга қишда қор бермайди, ўзгалар берганини эса кўролмайди. Гоҳо ўзига-ўзи ҳасад қилур, бу дардга уни кибру ҳаво солур. Ҳасад захрини солишга кимса топилмаса, ўзини-ўзи чақур. Нақадар аянчли!

Дунёда юрак хасталигидан оғриганларнинг аксари ҳасад сабаб ушбу дардга йўлиқади, ёруғ олам нурига ҳасад-ла боқиб, жон таслим қилади.

Аллоҳнинг қудрати билан чаённинг болалари ўз оналарини еб, катта бўлар экан. Ҳасад ҳам, ҳасадчини еб битирар экан.

Эй азиз фарзанд! Ўзингни ҳасаддан сақла, ҳасад шундай дардки, у гўё аччиқ алаф кабидир, у алаф асалга қўшилса, унинг таъми ва рангини бузади. Ҳасад қалбнинг ва иймоннинг кушандасидир. Бу дунёда ҳавас билан яшагин, ҳасад билан эмас. Шунда орзуингдаги бахтга эришасан.

Илону чаёндек чақма ҳар кимни,

Боласи чаённи ейди қилиб ем.

Қалбингда тўпласанг лим-лим ҳасадни,

Бир кун келиб, ўзинг йиғлайсан юм-юм.



**Файрат МАТЯКУБОВ,**

Судьялар олий мактаби  
магистранти

## ЕР УЧАСТКАСИНИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР

*Тарихга назар ташласак, Собиқ Иттифоқ даврида барча мулклар давлат мулки бўлганлиги сабабли тадқиқ қилинаётган ҳуқуқий институтни жорий қилишга ва уни такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмаган. Бироқ, мустақилликка эришгандан сўнг, тараққиётнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқиши ва хусусий мулк институти жорий қилиниши ушбу соҳадаги ислохотларнинг дебочаси дейиш мумкин.*

Айниқса, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” бу соҳадаги ислохотларни юқори босқичга кўтарди. Хусусан, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма босқич камайтириш, давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кучайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтиришга қаратилган ислохотлар тизими ва изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар замирида Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларни хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда аҳоли сони ошиб бориши, урбанизация масалаларини ҳал этиш, аҳоли пунктлари (шаҳар, туман) бош режаларини такомиллаштириш, инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиши муносабати билан охириги йилларда олиб борилаётган стратегик ислохотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатлигини таъминлаш орқали давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ҳоллари ва ушбу тоифадаги низолар сони сезиларли даражада кўпайган. Бу эса ўз навбатида, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш заруриятини тақозо этади.

Бугунги кунда ушбу соҳадаги низоларни тўғри ҳал этишда бир неча ҳуқуқий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келяпти, чунки ушбу институт соҳалараро институт сифатида тартибга солинган. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқий нормаларни қўллашда фуқароларда ва тадбиркорлик субъектларида қийинчиликлар туғдирмоқда. МДХ давлатларида, хусусан Россия Федерациясида ва Қозоғистон Республикасида ушбу институт тўлиқ ер кодекси билан тартибга солинган. Ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда “қайта сотиб олиш” усули қўлланилган. Гарчанд, ушбу тушунча

қонунда мавжуд бўлсада, амалиётда ундан фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд эмас.

**Биринчидан**, ер участкасини ва унда жойлашган кўчмас мулкларни қайта сотиб олишга олди-сотди қоидалари қўлланилади. Олди-сотди қоидаларига кўра, сотувчи ўз хоҳиш-иродасига асосан сотиши ҳамда у ўзи хоҳлаган нархни белгилаш ҳуқуқи мавжуд, аммо, ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда эса, сотувчини ўз эрк иродаси билан сотиши ва нархни ўзи белгилаши каби хусусиятлари мавжуд бўлмайди. Шу сабабли қайта сотиб олиш шартномасини битим сифатида тан олиш мумкин эмас.

**Иккинчидан**, қайта сотиб олиш усулида ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулкларнинг ҳақиқий бозор қиймати тўлаб берилса, етказилган зарарни қоплаш усулида ҳам айнан шу қиймат тўлаб берилади. Демак, етказилган зарарни қоплаш институтининг мавжудлиги қайта сотиб олиш институти заруратини истисно қилади.

Хусусан, ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш оқибатида фуқаролар ва юридик шахсларнинг олиб қўйилаётган ер участкаларига нисбатан ҳуқуқлари (эгаллик, фойдаланиш) ва ушбу ер участкаларида жойлашган кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи бекор бўлади. Бироқ, амалдаги қонун ҳужжатларимизда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина қонунларга асосан маҳрум этилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби ва асослари қонун билан тартибга солинмаслиги, ўз навбатида, ер эгалари ва мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинларининг бузилиши деб баҳолаш лозим.

Маълумки, 2020 йил 1 мартдан бошлаб, доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжал-

ланмаган ер участкаларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш орқали хусусийлаштириш бошланади. Хусусийлаштириш асосида шахс ерга нисбатан мулк ҳуқуқини олади. Бироқ, амалдаги қонун ҳужжатларида фақат ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгаси (фойдаланувчи)дан олиб қўйиш тартиби белгиланган. Агар ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарурати туғилса, ерга мулк ҳуқуқини олган шахсдан қайси асосларга кўра олиб қўйиш мумкин ва буни қайси норматив ҳуқуқий ҳужжат тартибга солади деган савол туғилиши табиий, албатта. Назаримизда, хорижий давлатлар қаторида биз ҳам қонунда белгиланган ҳолда ерга мулк ҳуқуқини олган шахсдан компенсация қилиб, ер участкасини олиб қўйиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Бозор иқтисодиётига асосланган хусусий мулкчилик ривожланиши натижасида ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш институти таркибидан инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун олиб қўйиш институтини ажратиб, алоҳида мустақил институт сифатида жорий этилиши мақсадга мувофиқдир, чунки ушбу икки мустақил институт қуйидаги хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради:

- ташаббускор: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда тегишли ҳокимликлар ҳисобланса, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда инвестор ҳисобланади;

- олиб қўйиш тўғрисидаги қарор чиқариш ваколати: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда халқ депутатлари Кенгашлари ваколатли бўлса, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ваколатли ҳисобланади;

- ер эгасининг розилиги: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда ер эгасининг розилиги талаб қилинмайди, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда эса ер эгасининг розилиги талаб қилинади;

- асослар: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда асослар аниқ ва кенгайтириб талқин қилишга йўл қўйилмайди, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорида кўрсатилган ҳар қандай инвестиция лойиҳалари асос бўлиши мумкин.

- жамғарма: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма кузатув кенгаши билан келишиш талаб қилинади, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда эса ушбу жамғарма билан келишиш талаб қилинмайди;



- келишув тарафлари: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда келишув мулкдор ва ҳокимият ўртасида тузилади, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда эса мулкдор, ҳокимият ва инвестор;

- кўчмас мулкни баҳолаш: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда ҳокимият томонидан, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда эса инвестор томонидан амалга оширилади;

- компенсация маблағлари: ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда жамғарма маблағлари ҳисобидан, ер участкаларни инвестиция лойиҳалар бўйича олиб қўйишда эса инвесторнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бугунги кунда, ушбу иккита мустақил институтининг асослари ва тартиби ягона қонуности ҳужжати асосида тартибга солиниши, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллашда тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Юқоридаги белгиларига кўра ушбу иккита мустақил институт Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида алоҳида институт сифатида тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш институтини қўллаш оқибатида, давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб мулкдор ерга бўлган ҳуқуқ ва унда жойлашган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи бекор бўлади.

Шу билан бирга, ер участкаларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш институти қўллаш оқибатида мулкдорнинг мулк ҳуқуқи бекор қилиниб, кўчмас мулкни бузиб ташланиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ушбу низоларни кўришда қисқартирилган даъво муддатларини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки қисқартирилган даъво муддатлари мулкни бузиб ташламасдан олдин ишни ҳар томонлама ва тўлиқ кўришга хизмат қилади. Шундай қилиб, бугунги кунда соҳалараро ҳуқуқий институт ҳисобланган давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларни олиб қўйиш бўйича ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш орқали ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти кўриниб турибди.

# БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН

# ҚОЗИЛАР



*Тошкентлик Муҳаммад Юнус Тоиб шаръий Қози – мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланадиган, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаърий маҳкама раиси.*

*Ўрта Осиё хонликлари даврида қозилар ҳозирги суд, прокурор, нотариус вазифаларини бажарганлар, яъни фикҳ (шариат қонунлари) асосида фуқаролик ишлари, жиноий ишларни кўриб чиққанлар, ҳар қандай битим, шартнома, васиятномаларни тасдиқлаганлар.*

*Тарихимизда муҳим ўрин тутадиган қозилар кўплаб учрайди. Жумладан, Туркистон жаҳидларининг йўлбошчиси, ўзбек миллий театрининг асосчиси, маърифатпарвар Махмудхўжа Беҳбудий дастлаб Самарқанд шаҳри қозиси бўлган.*

*Бироқ, ҳали фаолияти тўлиқ ўрганилмаган қозилар ҳам мавжуд.*

*Муҳаммад Юнус Тоиб Муҳаммад Амин ўгли 1830 йилда Тошкентда, Себзор даҳаси, Кунжак маҳалласида таваллуд топган. Дастлабки таълимни Тошкентда олиб, кейинчалик Қўқон мадрасаларида таҳсил олган.*

*Муҳаммад Юнус Тоиб – Қўқон хонлиги ҳамда Шарқий Туркистоннинг тарихи ва маданиятида катта из қолдирган шахслардан бири. У 1860 йили Қўқон саркардаси амирлашкар Алиқули (1830-1865) хизматида ўтиб,*

*аввал мирзо, кейин мирзабоши, додохоҳ ва шиговуллик (бу амал ҳозирги ташқи ишлар вазири лавозимига тенглаштирилган) мансабига кўтарилади. Бундан ташқари, кейинчалик Муҳаммад Юнус Тоиб назорати остига бошқа муҳим амалдорлар ҳам берилади.*

*Муҳаммад Юнус Тоиб 1860-1865 йилларида амирлашкар Алиқулига шахсий маслаҳатчи бўлиб, Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсатида оид ишларда фаолият кўрсатган. Муҳаммад Юнус Тоиб маслаҳати билан 1860 йилларнинг бошларида Хитой, Афғонистон, Туркия, Англия ва Россияга элчилар юборилган. Муҳаммад Юнус Тоиб баъзи элчилар номзодини хон ва амирлашкар Алиқулига ўзи таклиф қилганини асарларида таъкидлаб ўтган.*

*У Авлиёота ва Туркистон ҳимоясида, Чимкент ва Тошкент мудофаасида фаол қатнашган. Тошкент руслар кўлига ўтгандан кейин 1865 йилининг охирларида Муҳаммад Юнус Тоиб Шарқий Туркистонга бориб, Ёқуббек Бадавлат томонидан тuzилган давлатнинг Ёркент шаҳрида ҳоким бўлади.*

*Ёқуббек Бадавлатнинг давлатига зарб давлатларининг қизиқиши катта бўлган, шунинг учун элчиликлар ва сайёҳларнинг кети узилмаган. Мазкур*



(Расм В. Taylor. "Central Asia. Travels in Cashmere, little Tibet and Central Asia". (New York, 1874 йил) китобининг 239-бетида берилган)

меҳмонларнинг деярли барчаси Муҳаммад Юнус Тоиб билан суҳбатлашган, улар Муҳаммад Юнус Тоибнинг Ёркентдаги, Ёқуббек Бадавлатнинг давлатидаги фаолиятига баҳо берган.

Мисол учун В. Taylor нинг "Central Asia. Travels in Cashmere, little Tibet and Central Asia" (New York, 1874 йил) асарида инглиз сайёҳларининг Муҳаммад Юнус Тоиб билан суҳбати берилган, суҳбат жараёнида Муҳаммад Юнус Тоиб ўзининг дипломатик кўникмаларини намоён эта олган. Жумладан, 1857 йилда Шарқий Туркистонда Валихон тўра кўзгилони даврида Валихон тўра томонидан қатл эттирилган Адольф Шлагинвейт исмли немис олими учун узр сўраган. Мазкур китобда шунингдек Муҳаммад Юнус Тоибнинг расми ҳам берилган.

Лондонда нашр этиладиган "The Journal of the Royal Geographical Society of London" журналининг 1871 йилги 41-сонида Ҳиндистондаги инглиз ҳарбий амалдори Т.Г.Монтгомерининг "Report of «The Mirzas». Exploration from Saibul to Kashgar" номли мақола-сида ҳам Муҳаммад Юнус Тоиб ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Мақолада "Мирза" лақабли Англия

давлати ходими 1869 йилда Қобулдан Қашқарга саёҳат қилганлиги, саёҳат давомида Ёркентда бўлганлиги, Ёркент ҳокими Муҳаммад Юнус Тоиб либерал қарашларга эга эканлиги, Ёқуббек Бадавлатнинг Шарқий Туркистон ҳукуматида барча (шу жумладан, Ёқуббек Бадавлат ҳам) Муҳаммад Юнус Тоиб билан ҳисоблашиши, Ёркентнинг шимолий қисмида Муҳаммад Юнус Тоиб масжид ва болалар мактаби қурдирганлиги баён этилган.

Шунингдек, Қашқардаги Россия консули А.Н.Куропаткин ўзининг "Kashgaria" (Санкт Петербург – 1879 й) асарида Муҳаммад Юнус Тоиб ҳақида "Муҳаммад Юнус Тоибнинг маҳоратини қадрловчиларнинг бизга айтишича, агар истаса, Муҳаммад Юнус Тоиб жиддий ҳужжатни шундай ёзадики, сиз уни йиғламасдан ўқий олмайсиз" дейди.

1877 йилда Ёқуббек Бадавлатнинг сирли вафотидан сўнг ички низоларга юз тутган унинг давлати Хитой томонидан босиб олинади. Натижада, Муҳаммад Юнус Тоиб Ёркент шаҳрини ташлаб, Қўқон шаҳрига қайтиб келади. Муҳаммад Юнус Тоиб Қўқон шаҳрида ижод билан машғул бўлади, шу билан бирга 1897 йилда Қўқон шаҳри Қатагон даҳасининг қозиси этиб сайланади.

У киши истеъдодли шоир, муаррих, адиб, ҳаттот бўлиб, мукамал девондан ташқари, "Тарихи Алиқули амирлашкар", "Ҳадиқат ал анвор" (Нурлар бўстони) ҳамда "Тухфаи Тоййиб" каби асарларни ёзиб қолдирган.

Муҳаммад Юнус Тоиб 1905 йилда Қўқон шаҳрида вафот этган. Айрим манбаларда унинг фарзандлари, яқин қариндошлари ҳақида саёз маълумотлар учрайди.

Муҳаммад Юнус Тоибнинг "Тарихи Алиқули амирлашкар" асари инглиз тилида "The life of Alimqul" номи билан 2003 йилда Англияда, "Тухфаи Тоййиб" асари эса 2002 йилда инглиз тилида Японияда нашр этилган.

Муҳаммад Юнус Тоиб илмий меросини ўрганишида олимлардан Т.Бейсембиев (марҳум) ҳамда тарих фанлари доктори, профессор Ш.Воҳидовнинг хизматлари ниҳоятда катта.

**Миркомил МИРМАҚСУДОВ,**  
Фаргона вилояти Ўзбекистон  
туманлараро иқтисодий суди раиси.



## ФУҚАРОЛИК ВА ЖИНОИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Республикаси суд тизимида олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини жаҳон судьялар ҳамжамиятига етказиш, суд ва суд ишларини юритиш соҳасида судьялар уюшмалари ўртасида тажриба алмашиш, ўзаро манфаатли соҳаларда қўшма лойиҳалар масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси – IRZ (Германия) томонидан ҳар йили ўтказилиб келинаётган Арманистон, Эстония, Грузия, Қозоғистон, Молдова, Польша, Украина судьялари Ассоциациялари вакиллари билан минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида тажриба алмашиб келмоқда. Натижада тизимдаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишда иштирокчи мамлакатларнинг вакиллари ўртасида ҳамкорлик платформаси яратилмоқда.*

Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси – IRZнинг таклифига биноан 2019 йилнинг декабрь ойида Германиянинг Бонн шаҳрида Жамғарма ва Германиянинг Судьялар Иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган Судьялар Ассоциациялари Меморандум гуруҳининг “Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси раиси вазифасини бажарувчи Парахат Айтниязов ва Ассоциация аъзоси – жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман суди раиси Шухрат Бақоевлар иштирок этди.

Конференцияда фуқаролик ва жиноий ишлар юзасидан халқаро ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш усулларига эътибор қаратилиб, асосий мақсад – қонун устуворлиги бўйича халқаро мулоқотни янада ривожлантириш зарурлиги муҳокама қилинди. Шунингдек, суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш, экстрадиция масалалари бўйича чет эл давлатлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш ҳамда ваколатли давлат органларининг қамоққа олишга санкция бериши, чет давлатларда кибер жиноятчилик юзасидан тергов ва суриштирув ўтказиш, киберҳужумларга қарши курашда прокуратура ва суд амалиётидаги муаммолар, халқаро жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби масалалар юзасидан

фикр алмашилди. Тадбирда Германия судлар иттифоқи (DRB) Президенти Енс Гнизи, Бонн шаҳар суди раиси Стефан Виземанн, IRZ бош директори, доктор Фрауке Бахлер ва бошқа иштирокчиларнинг мулоҳазалари тингланиб, улар томонидан фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари, муаммолар ва уларни ҳал этиш усулларини батафсил ёритиб берилиши халқаро ҳуқуқий мулоқотни ривожланишига мустаҳкам девор бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш, уларни тартибга солувчи қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, экстрадиция (топшириш) масалалари бўйича хорижий давлатлар билан ўрнатилган алоқалар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Конференция иштирокчиси, Ўзбекистон Республикаси делегацияси раҳбари Парахат Айтаниязов бундай кенг қўламли тадбирнинг ўтказилиши IRZга аъзо мамлакатлар судьяларининг касбий билимларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга хизмат қилишини дунё бўйлаб судьялар миллий Ассоциацияларининг бирлашиши билан изоҳлади. Шунингдек, анъанавий тарзда ўтказилаётган бу каби йиғилишлар судьялар ассоциациялари ўртасидаги минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашга, тажриба алмашишга, умумий муаммоларни ҳал қилишнинг ягона ёндашувларини ишлаб чиқишга ёрдам беришини ҳамда судьялар миллий бирлашмаларининг (Уюшмаси) яқин, шу билан биргаликда уз-



луксиз ҳамкорлиги орқали суд тизимининг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида муносиб ўрин тутишини таъкидлади.

Делегация аъзоси Шухрат Бақоев эса конференция давомида Ўзбекистон Республикаси вакиллари томонидан хорижий мамлакатлар ўртасидаги суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш бўйича ҳамкорликнинг аҳамияти, давлатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни ривожлантириш зарурияти нуқтаи назаридан халқаро шартномалар ҳамкор мамлакатларнинг ваколатли органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва манфаатли ҳамкорлик тамойилига асосан қурилиши таклиф сифатида киритилиб, хорижий давлатлар судлари (арбитражлар) нинг қарорлари Ўзбекистонда тегишли халқаро шартномалар ва мамлакат қонунчилигига мувофиқ тан олиниши ҳамда ижро этилиши тўғрисида маълумот берилганлигини билдирди.

Конференция иштирокчиларга чет давлатлар билан экстрадиция масалалари бўйича ўз малакалари ва билимларини оширишга, шунингдек, шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида уларни экстрадиция қилиш бўйича хорижий мамлакатларнинг моделлари билан танишишга имкон берди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, миллий қонунчиликни демократлаштириш бўйича кўрилаётган кенг қамровли чора-тадбирларни юқори баҳоладилар ва ўзаро манфаатли масалалар бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканликларини билдириб ўтишди.

**Шерзод ДАМИНОВ,**  
журналист.





**Ўткир НОМОЗБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгашининг  
етакчи инспектори,  
иккинчи даражали адлия  
маслаҳатчиси

# МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ БЕРМАЙЛИК

**Республикамизда мажбурий меҳнат ҳолатларига сабаб бўлаётган айрим муаммолар ва уларнинг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб улгурди.**

Сўнгги вақтларда республикамизда мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган фаолият бир қанча халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланаётганига қарамасдан, мамлакат обрўйига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар сақланиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, мажбурий меҳнатни олдини олишга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб, олиб борилаётган кенг қамровли фаолиятнинг диққат марказидаги ҳуқуқий ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Бу айниқса, мамлакатнинг яқин истиқболда ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан буён Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси бўлиб, ўтган давр мобайнида ушбу ташкилотнинг ўндан ортиқ конвенцияларини ратификация қилган.

Меҳнат муносабатларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлаш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар замирида, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу ташкилотнинг 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси ратификация қилинди. ХМТ Конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга доир миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди, мазмун-моҳияти ХМТ методологияси бўйича миллий меҳнат қонунчилигини ва меҳнат бозорини ривожлантиришга, бандлик, ижтимоий муҳофазани ва аҳоли билан мулоқотни таъминлашга йўналтирилган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури амалда. Ушбу Ташкилот экспертларининг бевосита иштирокида қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мониторинги олиб борилмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди, бу жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Сўнгги вақтларда ҳокимлик томонидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет

ташкилотлари ходимларини ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклидаги меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар кўпайиб кузатилмоқда. Мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, юқорида қайд этилган шахсларни қўрқитиш, уларга нисбатан ҳақоратли сўзлар ва ҳаттоки, куч ишлатиш ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Маълумотлар таҳлилига кўра, ҳар йилги пахта йиғим-терими мавсумида ихтиёрий равишда меҳнат қилган фуқаролар билан биргаликда, аҳолининг айрим қатлами мажбурий тарзда жалб қилинмоқда.

Ижтимоий тармоқларда Ички ишлар вазирлиги академиясида бир гуруҳ ички ишлар ходимлари томонидан мажбурий тарзда пахта-йиғим теримига олиб кетилаётганлигидан норози бўлган видеолар тарқатилди. Бундан ташқари, «Озодлик» радиоасида ҳам Ички ишлар вазирлиги академияси курсантлари, ички ишлар органи ходимлари, Божхона институти курсантлари ва бошқа бир қанча ҳарбий билим юрти курсантлари пахта йиғим-теримига мажбурий тарзда чиқарилганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Шу ўринда, Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, ўтган 2018 йилда пахта далаларидаги теримчиларнинг аксарият қисми ихтиёрий равишда чиқишган бўлса, теримда иштирок этган баъзи давлат ташкилотлари вакиллари теримга чиқишни истамаганликлари, аммо иш жойида муаммо келиб чиқмаслиги учун далага чиққанликлари билдирилган.

Шунинг билан бирга, 2018 йилда ҳукумат ишонч телефонлари орқали мажбурий меҳнат билан боғлиқ 2,5 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Оммавий-ахборот воситаларидаги маълумотларга кўра, жойларда аҳоли «Ҳашар» ниқоби остида мажбурий меҳнатга жалб қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг май-июль ойларида Наманган вилояти Чуст туманидаги 9-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ педагоглари мактабда олиб борилган курилиш ва ободонлаштириш ишларида гишт ва қум ташишга мажбур қилинганликлари ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлган. Бундан ташқари, худди шу мактабда педагогларга



11-21 июнь кунлари меҳнат таътили берилган бўлса-да, ўқитувчилар таътил вақтида мактаб ҳудудини тозалашга мажбурий жалб қилинган. Шунинг билан бирга, қурилиш – ободонлаштириш ишларига ихтиёрий келган педагогларга Меҳнат кодексининг 157-моддасига кўра иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки баробар миқдорида ҳақ тўланиши белгиланганлиги ҳақидаги норма қоидалари бузилган. Шу ўринда, Халқаро меҳнат ташкилотининг узоқ йиллик тажрибасига асосан, ходимнинг хоҳишига зид равишда бажарилган, хавfli ва зарarli жойлардаги ишлар, шунингдек, ходимларнинг заифлигини суиистеъмом қилиш, иш вақтидан ташқари вақтларда ишлатиш мажбурий меҳнат ҳисобланади.

Мавжуд маълумотлар таҳлиliga кўра, кўплаб давлат ташкилотларида иш вақти тугаган бўлишига қарамасдан ходимларнинг турли юмушлар билан ёки бўлмаса ҳеч қандай асоссиз иш жойларида ушланиб қолишлари турли норозиликларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, мазкур муаммо туфайли кўплаб давлат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари оилаларида турли келишмовчиликлар (ҳаттоки, оилавий ажримлар ҳам) келиб чиқмоқда. Бундан ташқари, бу ҳолатларда меҳнат қонунчилиги нормалари бузилиб, ходимларга кўшимча ҳақ тўланмаяпти ҳамда юқорида келтирилган муаммоларга Давлат меҳнат инспекциялари ҳеч қандай чора кўрмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан фуқароларни чет элда расмий ишга жойлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Россия матбуотида “Ўзбек мигрантлари Россияга вабо, ўлат ташияптими?”, “Сохта ҳужжат учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин”, “Ўзбекистонни меҳнат муҳожирлари боқяптими?”, “Митишида муҳожир жинсий зўравонликда айбланмоқда”, “Тирикчилик” деб жонидан айрилаётганлар” каби кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Республикада мажбурий меҳнатнинг олдини олиш учун бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Зўрлаб ишлатиш ёки Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 30 июлида “Одам савдосига ва маж-



бурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳам қабул қилинган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳозирги кунда иқтисодий интеграция жараёнларидан наф кўришга интилиш кучайган бир пайтда, мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этиш, бундан ташқари экспорт товарлари миқдорини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган вақтда, мажбурий меҳнатни олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳаётий муҳим манфаатга айланиб боради.

Агарда яқин истиқболда мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларга барҳам берилмаса, мамлакат иқтисодиёти катта зарар кўриши, хусусан, (Ўзбек пахтасига бўлган бойкот кенгайиши, экспорт миқдорининг ўзгармасдан қолиши ва инвестиция оқимининг тушиши), бундан ташқари аҳоли орасида давлатга бўлган ишончнинг пасайиши ва норозиликларнинг ошиб бориши прогноз қилинади. Шу ўринда мамлакат обрўини кўтаришда ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда ҳам мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларга барҳам бериш долзарб аҳамият касб этади. 1929 йилги “Мажбурий меҳнатни олдини олиш тўғрисида»ги Конвенцияда келтирилган давлат аҳамиятига молик ишларга аҳолининг жалб қилиниши мажбурий меҳнат, деб эътироф этилмаслиги тўғрисидаги норманинг чегарасини белгилаш, меҳнат қонунчилигимизда мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган ишлар сирасига “Фуқаролик бурчига кирувчи иш ёки хизматларни бажариш”, халқаро нормалар ва миллий қонунчилигимиздан келиб чиқиб, “Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш каби ҳуқуқий тақлифлар бандини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан биз ҳашарларни мажбурий меҳнат сифатида талқин қилиб келаётган халқаро ташкилотларнинг иддаоларидан халос бўлган бўлар эдик.



**Мамарасул УММАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Академияси мустақил  
изланувчиси

# ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДАГИ ЎРНИ

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ва унинг бошқа тергов ҳаракатлари тизимида тутган ўрни атрофлича ёритилган бўлиб, мавзуга оид бир қатор юридик адабиётлар ва хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлил ва тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигидаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Жиноят процесси, тергов ҳаракати, суд ҳаракати, далил, исбот қилиш, исботлаш воситалари, таниб олиш учун кўрсатиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно описывается роль опознания в следственном действии и его роль в системе следственных действий и сравнительно-правовой анализ ряда юридических изданий по теме относящихся к предмету и нормам зарубежного уголовного права. На основании результатов анализа и исследований разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию правовых норм, регулирующих следственные действия в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, расследование, судебные действия, доказательства, средства доказательства, предъявление для установления личности, дознаватель, следователь, прокурор, суд.

## ANNOTATION

The article deals with the role of recognition in the investigative action in detail and its role in the system of investigative actions and comparative-legal analysis of a number of legal literature on the subject and norms of foreign criminal law. On the basis of the results of the analysis and research, proposals and recommendations have been developed to improve the legal norms regulating the investigative actions in the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** criminal procedure, investigation, judicial actions, evidence, means of proof, presentation of identification, inquiry, investigator, prosecutor, court.

Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштиришда далилларни тўплашнинг энг самарали ва кенг қўлланиладиган усули ҳисобланган тергов ҳаракатлари ва унинг турларини илмий тадқиқ этиш, уларнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини янада такомиллаштириш истиқболларини белгилаш жуда муҳимдир. Бугунги кунда тергов ва суд амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган ана шундай тергов ҳаракатларидан бири сифатида таниб олиш учун тергов ҳаракатини кўрсатиш мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш бошқа тергов ҳаракатлари орасида ўзининг ўрнига эга ва мустақил тергов ҳаракати бўлиб, уни ўтказишдан мақсад, тўпланган материаллар ва жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш, яъни шахснинг ёки ашёнинг айнанлигини аниқлашдан иборатдир<sup>1</sup>.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ЖПКнинг далиллар тўплаш деб номланган 87-моддасида ва 14-боби (таниб олиш учун кўрсатиш)нинг 125-131-моддаларида мустаҳкамланган<sup>2</sup>.

**Таниб олиш учун кўрсатишни ўтказишнинг ЖПКда ўз аксини топган хусусиятларига қуйидагилар қиради:**

- гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун ўтказилиши;

- ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин кўрсатувчи текшириляётган шахс (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи) таниб олиши лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозимлиги;

- таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ўтказиб бўлинганидан сўнг ҳам таниб олувчининг унга кўрсатилган объектни айнан қайси белгилари бўйича таниганлиги ёки таниб олмаган бўлса, у танийдиган объект кўрсатилган объектдан нимаси билан фарқ қилиши лозимлиги бўйича сўроқ қилиниши лозимлигини;

- шахс таниб олиш учун тергов олиб бориляётган ишга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган, уч нафардан кам бўлмаган шахслар гуруҳи орасида ҳолислар ҳузурида кўрсатилиши;

- зарур имконият бўлмаганда, таниб олинувчининг (кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмайдиган 3 тадан кам бўлмаган шахснинг) фотосурати кўрсатилиши;

- таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги;

- таниб олиш учун нафақат шахслар, балки мурдалар, нарса ёки ҳайвонлар, кўчар ва кўчмас объектлар ҳам кўрсатилиши мумкинлиги;

- таниб олинувчи объектлар турдош объектлар билан бирга кўрсатилиши ҳамда ушбу процессуал қоида мурдани таниб олишда қўлланилиши таъқиқланганлиги;

- таниб олиш учун кўрсатишнинг соат 6:00 дан 22:00 га қадар ўтказилиши ва унинг жиноят иши кўзғатилмасдан туриб ўтказишга йўл қўйилмаслиги;

- таниб олиш учун кўрсатишнинг ҳам жиноят ишларини тергов қилиш, ҳам суд тергови босқичида ўтказилишига рухсат берилганлиги.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг бошқа тергов ҳаракатларидан ажратиб турувчи (фарқли жиҳатлар) ўзига хос хусусиятлари сифатида ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин ҳам ва ўтказиб бўлинганидан кейин ҳам таниб олувчининг сўроқ қилинишини, таниб олувчининг кўрсатувлари ҳаққонийлигини текшириш учун турдош объектларнинг (3 тадан кам бўлмаган) имкониятларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиш мумкин.


Таъкидлаш жоизки, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мақсади ва вазибалари ЖПКда белгиланмаган. Қонун чиқарувчи ЖПКнинг 125-моддасида уни ўтказиш учун асос сифатида қуйидагиларни белгилаган:

Таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда;

- 2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда.

Айрим хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибалари ўрганилганда, бир қатор ўзига хос хусусиятларни кузатиш мумкин бўлиб, таниб олиш учун



кўрсатиш тергов ҳаракатининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 223-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш)<sup>3</sup> ва Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 229-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш)<sup>4</sup> таниб олиш учун кўрсатишнинг мақсади аниқ кўрсатилганлигини ва унинг мақсади сифатида олдин кузатилган шахс ёки нарсаларнинг айнанлиги ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш эканлиги белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Бироқ, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигидаги сингари Қирғизистон (ЖПК 24-боб)<sup>5</sup>, Молдова (ЖПК 3-боб)<sup>6</sup>, Туркменистон (ЖПК 29-боб)<sup>7</sup>, Украина (ЖПК 20-боб)<sup>8</sup> каби давлатларнинг қонунчилигида ҳам таниб олиш учун кўрсатишнинг мақсади аниқ кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Германия Федератив Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида<sup>9</sup> таниб олиш учун кўрсатиш алоҳида тергов ҳаракати сифатида қайд этилмаган ва унга боб ажратилмаганлигини ҳамда ҳудди шу каби ҳолат Хитой Халқ Республикаси ЖПКда<sup>10</sup> ҳам кузатилади.

Бироқ, ушбу давлатларнинг ЖПКларида таниб олиш учун кўрсатишга оид процессуал қоидалар мавжуд бўлса-да, фақатгина ушбу ҳаракатларнинг тартиби кўрсатиб берилган бўлиб, мақсад ва вазифалари нимадан иборатлиги белгиланмаган.

Ушбу таҳлиллардан кўриниб турибдики, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мақсади айрим давлатлар ЖПКларида аниқ белгиланган (Беларусь Республикаси ЖПКнинг 223-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 229-моддаси), айрим давлатлар ЖПКларида эса умуман белгиланмаган (Қирғизистон, Молдова, Туркменистон, Украина ЖПКлари), шунингдек, бошқа бир давлатлар ЖПКларида эса ушбу тергов ҳаракати мустақил тергов ҳаракати мақомига эга эмас (Германия Федератив Республикаси Хитой Халқ Республикаси ЖПК).



Фикримизча, ЖПКда ушбу тергов ҳаракатининг мақсади Беларусь ва Қозоғистон Республикаси ЖПКларида бўлгани каби аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Шу боис ЖПК 125-моддасининг биринчи қисмига тегишли ўзгартиш киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

«Гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг маълум бир шахс ёки нарсага оид кўрсатувларини текшириш мақсадида таниб олиш учун кўрсатиш ўтказилади».

ЖПК 125-моддасининг биринчи қисмини ушбу таҳрирда баён қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мақсадини аниқлаштиради ва ушбу мақсад унинг вазифаларини ойдинлаштиради.

Тергов ҳаракати ўтказиш учун ёки уни ўтказишга асослар юзага келиши учун кўрсатуви текшириб кўрилаётган шахс сўроқ давомида таниб олинган шахс ёки нарсани тасвирлай олмаслигини айтса, таниб олиш учун кўрсатиш амалга оширилмаслиги лозим<sup>11</sup>.

Демак, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати сўроқ қилиш тергов ҳаракатини тақозо этади ҳамда сўроқ қилиш натижалари жиноят иши бўйича ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш ёки ўтказмаслик шартларини ойдинлаштиради. Бу эса таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг мантиқий давоми ёки улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқликка эга деган хулосага келиш имконини беради.

Ҳолбуки, сўроқ қилиш жараёнида ҳам жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор сўроқ қилинаётган шахсга унинг кўрсатувларини инкор қилувчи далилларни, фотосуратларни кўрсатиши ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати айрим жиҳатлари билан гувоҳлантириш тергов ҳаракатига ҳам ўхшаб кетади. Чунки гувоҳлантиришнинг объекти тирик шахснинг бадани бўлгани каби<sup>12</sup> таниб олиш учун кўрсатиш шахсга нисбатан амалга оширилган тақдирда, унинг ҳам объекти тирик шахснинг бадани бўлади.

Бундан ташқари, гувоҳлантиришда ҳам таниб олиш учун кўрсатишда бўлгани каби инсон юзидаги алоҳида белгилар ва уни бошқа шахслардан ажратиб турувчи хусусиятларига эътибор қаратилади. Бироқ, айнан алоҳида белгилар ва уни бошқа шахслардан ажратиб турувчи хусусиятлар гувоҳлантиришда исботлаш мажбурияти юклатилган субъектлар томонидан аниқланса, таниб олиш учун кўрсатишда ушбу ҳаракатлар таниб олувчи томонидан аниқланади<sup>13</sup>. Бундан ташқари, таниб олиш учун кўрсатиш фақатгина тирик шахсларга нисбатан эмас, балки, нарса ва ҳайвонларга, кўчар ва кўчмас объектларга ҳамда мурдаларга нисбатан

ҳам амалга оширилиши билан гувоҳлантиришдан яққол ажралиб туради.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати айрим жиҳатлари билан ЖПКнинг 15-боби (132-134-м.)да белгиланган кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатига ҳам ўхшаб кетади. Бу ЖПКнинг 129-моддасида назарда тутилган кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатишга хос.

Кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи жой, бино, бинодаги алоҳида хона ёки бошқа кўчмас объект номини айтиб ва тасвирлаб берса-да, бироқ унинг жойлашган ўрнини аниқ айтиб бера олмаса, лекин аниқ жойдан объектга бориш йўлини кўрсатишга истак билдирса, унга шу объектни кўрсатишига имкон берилади ва суриштирувчи, терговчи, холислар ёхуд суд таркиби ва тарафлар таниб олувчи билан биргаликда у айтган жойга келадилар ҳамда таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчилари шу жойдан бошлаб таниб олувчининг кўрсатуви бўйича юра бошлайдилар. Айнан ушбу ҳаракатларга ўхшаш ҳаракатлар кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатида амалга оширилади.

Бироқ, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда кўрсатув берган шахс текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди; иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади; айрим ҳаракатларни намойиш қилади; текширилаётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади; ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади (ЖПК 133-м., 4-қ.). Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ушбу жиҳатлари билан таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатидан фарқ қилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, биз томонимиздан ўрганилган, 2016-2019 йилларда суд-тергов органлари томонидан юритилган 200 та жиноят иши материаллари ва 100 та суд ҳукмларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати суд-тергов амалиётида деярли ўтказилмайди ёки жуда кам ўтказилади. Чунки суд-тергов амалиётида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали таниб олиш учун кўрсатишнинг ушбу турини ўтказишнинг зарурияти бўлмасдан келмоқда.

Бундан ташқари, аксарият хорижий давлатларнинг ЖПКлари ўрганилмоқда кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати умуман назарда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 223-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш)да ва Қозғистон Республикаси ЖПКнинг 229-моддаси(та-

ниб олиш учун кўрсатиш)да Қирғизистон (ЖПК 24-боб), Молдова (ЖПК 3-боб), Туркменистон (ЖПК 29-боб), Украина (ЖПК 20-боб) каби давлатларнинг қонунчилигида кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати умуман назарда тутилмаган.

Шу боис, юқорида баён этилган фикрлардан хулоса қилиб, фикримизча ЖПКнинг 129-моддаси (кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)ни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, юқорида берилган таклифларнинг ЖПКда инobatга олиниши таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мақсадини аниқлаштиради ва суд-тергов амалиётида самарали ишлашини таъминлайди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Раҳмонқулов А.Х., Миразов Д.М. Дағлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 231.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (04.12.2019 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 09.01.2019) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://etalonline.by/document/?regnum=НК9900295/> (дата обращения: 24.12.2019).
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 28.10.2019). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852#pos=3;-137/](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=3;-137/) (дата обращения: 24.12.2019).
5. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики(с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.08.2018 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=30241915#pos=4723;-37/](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30241915#pos=4723;-37/) (дата обращения: 26.12.2019).
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-ХV(с изменениями и дополнениями по состоянию на 29.11.2018 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397729#pos=6;-142/](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=6;-142/) (дата обращения: 26.12.2019).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года(с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2019 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31344376/](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31344376/) (дата обращения: 26.12.2019).
8. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI(с изменениями и дополнениями по состоянию на 31.10.2019 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31197178#pos=5;-142/](http://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178#pos=5;-142/) (дата обращения: 26.12.2019).
